культурного развития Средней Азии в IX—XII вв. лежит богатое наследие преарабского периода. В VI в. н. э. на территории региона устанавливается политическая стабильность и открываются широкие возможности для экономического и культурного развития.

Накануне арабского нашествия в областях Согда (Самарканд, Бухара, Карши), Уструшаны (Сырдарья, Джизак), Чача (Ташкент) и Ферганы существовало несколько независимых государств, политическая власть находилась в основном в руках представителей тюркских народов. Экономическая и культурная жизнь была организована на основе равенства и сотрудничества народов, несмотря на их язык и религиозную принадлежность. Частная собственность, как и государственная, и общественная собственность, охранялась государством. Это обеспечивало экономическое развитие и мощь государств. Например, в Ферганской долине полностью были освоены долины рек, саев, быстрыми темпами развивались отрасли сельского хозяйства.

Вместе с тем расширение торговли по Великому Шелковому пути, развитие многих отраслей ремесла, быстрый рост и разделение на отрасли горной промышленности привели к всестороннему развитию городской культуры. Она превратилась в основной критерий общественной жизни, а состоятельные люди сельских поселений старались походить на горожан.

Города того периода с точки зрения топографии состояли из трех частей: цитадели (арк), внутреннего города (шахристан) и пригорода (рабад). Одним из таких городов считается Кува (Кубо).

В VII—VIII вв. Кува всесторонне развивалась как центр Южной Ферганы. Вокруг внутреннего города (шахристана, размером 10 га) размещались плотно застроенные кварталы ремесленников и буддийский храм, и все это было обведено фортификационной стеной¹.

По археологическим данным, накануне арабского завоевания в Согде и Фергане жили народы различных религиозных принадлежностей. К примеру, в небольшом городке Пянджикенте, подчинявшемся самаркандскому правителю, проживали люди, относящиеся к различным религиям. Послы и купцы, приезжавшие из разных стран, не попадали, несмотря на свою религиозную принадлежность, под давление местного народа или государственных органов.

По историческим данным известно, что существование народов, исповедующих разные религии, не мешало заключению брачных союзов между ними, и они считались обычным явлением.

Так, среди материалов, найденных на горе Муг и написанных на согдийском языке, привлекают внимание документы под номерами 3 и 4. В них описаны обязательства будущих молодоженов — тюркского парня Ут-тегина и согдийской девушки Дугданачи². В этом своего рода договоре сказано о равенстве и союзе супругов, а также о том, что в случае развода муж должен был, не унижая жену, вернуть ее родителям.

В VII—VIII вв. согдийские купцы торговали по Великому Шелковому пути от Японии на Востоке до Средиземного моря на Западе и до Вьетнама и Цейлона (Шри Ланка) на Юге. Основанная на мирном существовании и спокойствии жизнь народов Средней Азии, в частности Ферганской долины, прервалась с нашествием арабов в начале VIII в. В результате здесь наблюдаются политическая раздробленность, экономический и социальный кризис. Вместе с тем в течение VIII в. на территориях, где укрепились власти Арабского халифата, довольно скоро распространилась исламская религия. На про-

¹ Булатова В. А. Древняя Кува. Ташкент, 1972. С. 7, 18.

² Лившиц В. А. Юридические документы и письма // Согдийские документы с горы Муг. Вып. II. М., 1962. С. 23—26.

тяжении IX в. образование сначала Тахиридского и далее Саманидского централизованных государств обеспечило политическую стабильность в жизни народов Средней Азии. Это, в свою очередь, открыло путь к экономическому и культурному подъему. Ситуация в целом не изменилась и с образованием государства Караханидов в конце X в. К примеру, по данным вакфных документов известно, что в середине XI в. уровень жизни населения Самарканда достиг высшей точки³. Города, считавшиеся основными центрами цивилизации, развивались быстрыми темпами. Это особенно касается столичных городов.

Так, столица Ферганской долины того периода г. Ахсикент занимал площадь 400 га и был тогда в полном расцвете. Там велись большие строительные работы. В частности, во все кварталы города был проведен подземный водопровод, построенный в конце X в. из жженных кирпичей⁴. Он был предназначен для долгосрочного пользования и стал одним из наивысших достижений строительной инженерии того времени. Археологические раскопки показали, что во время действия водопровода шахристан (сохранившаяся часть его составляет 30 га) был плотно застроен и занят лавками торговцев.

Исследования показали, что строители, опиравшиеся на достижения практических наук своего времени, создавали водопровод примерно так же, как строится современное метро. Сначала выкапывался подземный сводчатый туннель, на дне которого укладывались керамические трубы крупного диаметра. В определенных местах водопровода от поверхности земли из жженных кирпичей были встроены своеобразные помещения для наблюдения за состоянием сооружения. Вода по керамическим трубам стекала в маленькие бассейны, устроенные в этих помещениях. Данная система водоподачи прослужила население города более двухсот лет.

На всем Востоке славилась стальная кинжалы и мечи, сделанные искусными мастерами-ремесленниками Ахсикента⁵. Это великолепное оружие изготовлялось из стали, которую получали по специальной технологии в посуде, выдерживавшей температуру 1650°C. Цена такого меча иногда равнялась цене целой области.

Вторым большим городом Ферганы после Ахсикента считалась Кува. Уже в раннее средневековье политический и экономический центр ее вышел за пределы шахристана и основался на территории рабада. Рабад отличался обилием воды и зеленых деревьев⁶. Поэтому правители города строили там свои дворцы и центральные рынки. Сделанные кувинскими стеклодувами стеклянные сосуды отличались высоким качеством и продавались на этих центральных рынках.

В таких условиях и появился на свет наш великий соотечественник Ахмад ал-Фергани. Начальное образование он получил в Фергане, но творческого совершенства достиг вдали от родины, в центре халифата — Багдаде. Еще во время обучения в местном медресе Ахмад ал-Фергани очень интересовался математикой и астрономией. Уже тогда он в совершенстве владел арабским, персидским и тюркским языками. Интерес к науке привел Ахмада ал-Фергани в «Байт ул-хикма», созданный халифами Багдада Харуном ар-Рашидом и Маъмуном и впоследствии ставший знаменитым как Багдадская Акаде-

³ Большаков О. Г. Два вакфа Ибрахима Тамгач-хана в Самарканде// Страны и народы Востока. М., 1971. С. 173, 177—178.

⁴ Анарбаев А. А. Ахсикент в древности и средневековье (Итоги и перспективы исследования)//СА. 1988. № 1. С. 184—185; его же. Дарё соҳилидаги пойтахт//Фан ва турмуш. 1988. № 8. 15-бет.

⁵ Анарбаев А. А. Ахсикент в древности... С. 185.

⁶ Бетгер Е. К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн Хаукаля//Труды САГУ: Археология Средней Азии. IV. Ташкент, 1957. С. 26.

ния⁷. Здесь занимались наукой многие среднеазиатские ученые, как ал-Хорезми, ал-Фараби и др. Возглавлял Багдадскую Академию наш соотечественник ал-Хорезми. Ал-Фергани, прибыв в Багдад, начал изучение древнеиндийского и греческого языков и занялся чтением и изучением книг, написанных на этих языках.

В скором времени ал-Хорезми взял ал-Фергани под свое попечительство. Работая в обсерватории Шаммасия, которая находилась в Багдаде⁸, он проявил свой высокий талант в области астрономической науки. В 847—848 гг. по заданию ал-Хорезми в составе группы из нескольких ученых ал-Фергани вычислил длину земного меридиана. Вместе с тем он точно вычислил затмение Луны и объяснил причины увеличения диска Солнца во время захода.

Впоследствии ал-Фергани написал свое знаменитое произведение «Книга о движениях космических тел и знаниях о звездах». Этот труд уже в XII в. был переведен на латинский и другие европейские языки и считался основным пособием по астрономии в Европе вплоть до XVIII в. Особенно привлекает внимание таблица в конце произведения, где все известные географические точки, разделенные на семь климатов по точным координатам, были расположены с Востока на Запад⁹.

Влияние этого научного труда можно проследить в творчестве великого представителя западноевропейской литературы эпохи Возрождения Алигьери Данте. К примеру, при описании космического порядка в своих произведениях «Пир» и «Божественная комедия» он опирается на Ахмада ал-Фергани, а в произведениях «Пир» и «Новая жизнь» с глубоким уважением отзывается о нем¹⁰.

В конце XV в. Христофор Колумб в своем путешествии в страны Востока через Запад использовал труды ал-Фергани¹¹. Известно также, что многие путешественники эпохи великих географических открытий пользовались точными данными ферганского ученого, труды которого внесли огромный вклад в развитие мировой науки.

⁷ Крачковский И. Ю. Арабская географическая литература//Избр. соч. Т. IV. М.; Л., 1957. С. 75.

⁸ Там же. С. 85.

⁹ Там же. С. 86.

¹⁰ Неклесса Геннадий. Христофор Колумб ва Ахмад ал-Фаргоний//Сохибқирон Юлдузи: 1998. № 10 (35). С. 1.

¹¹ Крачковский И. Ю. Указ. соч. С. 71; Неклесса Геннадий. Указ. статья. С. 1.

А. ЗОҲИДИЯ

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ҲАДИС ИЛМИДА
ТАРИХИЙ-ТАНҚИДИЙ УСУЛ АСОСЧИСИ

Исломий илмлар, жаҳон илоҳиёт илмининг улуғ сиймоси буюк муҳаддис Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ибн Бардазбеҳ ал-Жуафий ал-Бухорийдир. Имом Бухорий исломда Қуръони Каримдан кейинги муқаддас китоб «ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ»¹, «Фардликни сезувчи одоби», «Саҳобаи киромлар исмлари Китоби», «Оллоҳ бандалари феълларининг яратилиши Китоби», «Маҳлуқларни яратиш Китоби», «Ота-оналарга ҳурмат-эҳтиром ҳақида Китоб», «Ровийлари заиф ҳадислар» каби ҳадис Китобларининг муаллифидир. У зот шунингдек, «Бухоро тарихи», «Уч ровийли ҳадислар», «Кичик тарих», «Қатта тарих», «Фойдалар Китоби», «Имомнинг орқасидан қироат қилиш ҳақида Китоб», «Кунялар Китоби», «Иймон Китоби», «Ҳадялар Китоби», «Қатта Муснад Китоби», «Иллатли Китоби», «Намозда икки қўлни кўтариш Китоби», «Қатта тавсир» каби ислом, шариат, фикҳ, калом тамаллари бўлган асарлар мусаннифидир².

Имом ал-Бухорийнинг Туркистон, ўрта аср араб-мусулмон илм-фан маданияти соҳаларидаги хизматлари ниҳоятда фундаментал бўлиб, уларни махсус илмий тадқиқ этиш мавриди келди.

Ҳадисларни тўплаш ва танзим бериш соҳасининг ўзида Имом Бухорий бошлаб берган «Олтин давр (IX), айниқса, ҳадисларнинг саҳиҳ, ҳасан ва заиф, ғариб, мўъжизаларини аниқлашда танқидий ва тарихий тадқиқот принципи алоҳида илмий-назарий ва диний-маърифий аҳамиятга молик.

Пайғамбар Суннасини тадқиқ этишда янгидан-янги ҳадисларни қидириб топиш «Рихла фи талаб-ул-ҳадис»³ асносида турли қавмий-сиёсий кучлар сохталаштиришларга йўл қўя бошлаганлиги учун. Асҳоб ал-Ҳадис саъй ҳаракатлари билан Илм ул-Ҳадис, яъни ҳадисларнинг соғлом, тўғри ёки заифларини танқидий ёки тарихий тадқиқот асосида аниқлаш имконини берувчи ислом, шариат учун ҳаётбахш илм соҳаси вужудга келди.

Муснодлар ёзиш йўналиши. Ҳадислар иснодларини тадқиқ этиш ва тўплам қилиш Имом Молик ибн Анас «ал-Муватта», Абдуллоҳ ибн Мусо, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал «Муснод»лари шаклида, яъни ҳадис айтувчи саҳобаларнинг ислом динини қабул қилиш вақти, исми-шарифи, сидқий сифатларига қараб (маърифат ар-рижол) тузилган

¹ Имом ал-Бухорий. Ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ. Абу Райҳон ал-Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзма хазинаси. Инв.: 3257—1; 2813; 3993; 3568; араб тилида//СВР. IV жилд. 122—127-бетлар.

² Ал-Бухорий. Ҳадис. I—IV жилдлар. I жилд. Тошкент, 1991. 5-бет; Ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. Тошкент, 9-бет; Уватов У. Донолардан сабоқлар. Тошкент, 1994. 9—10-бетлар.

³ Қаранг: I. Goldziher. Muhammedanische Studien. T. II. Leipzig, 1888—89. S. 177.

(VII—VIII асрлар). Бу усул ҳадисларни тўплаш ва тадқиқ этишда ўта муҳим бўлсада, унда ҳадислар саҳиҳлик меъёрлари ва мавзулари асосида тартибга солинмаган, боб ва фаслларга ажратилмаганлиги учун «пайғамбаримиз ҳадислари саҳобалар ва табеъинларнинг фатволари билан чалкаштирилиб юборилган эди»⁴ ва бу кейинги даврлардаги ғаразли сохталаштиришларга асос бўла бошлаган эди.

Мусаннаф йўналиши. IX асрда Имом ал-Бухорий, шогирдлари Имом Муслим бошлаб берган «Саҳиҳ ҳадис» тўпламларини тузиш «Олтин даври» бошланди. Бунга буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий асос солиб, у зоти Муборак ҳадисларни энг тўғри (саҳиҳ), яхши (ҳасан) ва қусурли (заиф)ларни ҳам танқидий, ҳам тарихий асосда тасниф қилиб, 600 минг ҳадисдан фақат 7275 ҳадисни энг соғлом, тўғри, ишончли «ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ» мажмуъасини туздилар. Ва бу китоб исломда Қуръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас китоб бўлиб қолди.

Имом ал-Бухорий асри муҳаддислари ҳадисларни танқидий тадқиқ қилар эканлар, саҳоба, тобеъинлар исм-шарифларини асос қилиб олиш билан чекланмай, ҳадисларнинг мазмуни, шарт-шароитлар, йўналишларига ва саҳиҳлик даражаларига қараб тасниф қилдилар. Ҳадислар бевосита пайғамбарнинг ўзига уланиб, Иснод занжиридаги уни етказувчилар Сидқиға бирон-бир шубҳа билдириш мумкин бўлмаса Саҳиҳ ҳадис деб; агар Ҳадис Иснод занжирида — орада ким узатганлиги мавҳум бўлган бўлса Ҳасан (яхши, гўзал) ҳадис деб; агар иснод занжирида ҳадис узатувчи тақвоси, исломий хулқиға кўра тўла аминлик соҳиби бўлмаса, у айтган ҳадис қусурли (заъиф) ҳадис деб санаганлар.

Ҳадис танқидий таҳлилида Имом ал-Бухорий Иснод занжирининг узлуксизлиги, яъни муттасиллиги; бирон бўғинда ровий исми ноаниқ бўлса узлуклилиги, яъни мунқатъий (узилган); агар ҳадис тобеъиндан келиб, у қайси саҳобадан узатилаётганлигини аниқ айтолмаса мурсал — яъни лақунлигини аниқ ажратиб берган.

Шунингдек, Бухорий Пайғамбарнинг ўзига уланувчи ҳадислар марфуъ, яъни «аниқ билинган»; агар ҳадис саҳобалари сўзи ва ҳаттиҳаракатига уланса мавқуф (воқиф бўлинган); агар ҳадислар фақат биринчи тобеъинларга уланса мақтуъ, яъни «кесилиб қолган» ҳадисларни ажратган.

Бундан ташқари ҳадисларни тарихий ва танқидий тадқиқ этганда Имом ал-Бухорий фақат бир саҳобага мас., Абу Ҳурайра, Ойиша ва ҳ. к.га уланувчи бир неча йўлда айтилган ҳадисни ҳаққоний йўл (тариқ); бир неча саҳоба айтган бўлсалар мутавадир, яъни изчил; агар уч саҳоба айтган бўлса машҳур, агар икки саҳоба айтган бўлса азиз, агар биргина саҳоба айтган бўлса аҳадий асосларни ҳам ҳисобга олган⁵.

Имом ал-Бухорий танқидий ва тарихий тадқиқот усуллари «Илмул-ҳадис»нинг илмий-танқидий матнини тикланишиға, исломда Қуръони Каримдан кейин иккинчи фундаментал тарихий манбанинг тикланишиға олиб келди. Ана шу маънода Имом ал-Бухорий «Саҳиҳи» фақуллода муҳим тарихий манба вазифасини ўтайди. Ана шу тарихий манба нафақат умуман араб мусулмон халқлари учун, балки фақат арабларнинг ўзи учун ҳам миллий-этник, диний ва маданий бир бутунлиги, онги асослари, илдизларини тиклашда ҳал қилувчи аҳамиятга молик ва арабларнинг ўзида Қуръони Каримдан бошқа бундай тарихий манба учрамайди.

⁴ Имом ал-Бухорий. Ҳадис. I—IV жж. Тошкент, 1991. I жилд, 4-бет.

⁵ Қаранг: Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII—XV веках. 1966. С. 126—128.

Дарҳақиқат ҳадисларни мазмун, шарт-шароити ва йўналишларига қараб, боб ва фаслларга ажратиб тасниф қилар экан, уларни имом, ислом ва арконларга тааллуқлигига ҳам эътибор берди. Имом ал-Бухорий, шунингдек, саҳобалар сийрати, ҳаёт йўли фаолиятларига оид ҳадисларни тўплар экан жоҳилия даври, «Аҳди Саодат», саҳобалар, тобеъинлар ва тобеъинларнинг тобеъинлар даврларига оид турли араб қавмлари, улар билан қўшни ҳабашлар, бизантияликлар, ажамлар, ҳиндлар, туркларга оид жуда кенг, нодир диний, тарихий, илмий-этнографик маълумотларни⁶ ҳам бизга қолдирган ва етиб келишини таъминлаган.

«Сунан»лар тузиш йўналиши. Имом ал-Бухорий белгилаб берган йўлнинг ижтиҳодий давоми бўлиб, у Абу Довуд, Исо ат-Термизий, ан-Насойй, Ибн Можалар «Сунан» ҳадис мажмуъиларида ўз ифодасини топган. Бу йўналишнинг ислом, шарият учун оламшумул тарихий ва манбавий аҳамияти: Агар «Муснод» даври ислом, шариятни ўта қатъийликка даъват этиш билан бирга, маълум маҳдудлик ва мутасибликка олиб келиши мумкин бўлгани ҳолда, «Мусаннаф даври» ҳадислар илмий-танқидий матнини адекват тиклаш ва саҳиҳ талқин этишга имкон берган бўлса, яъни ислом, шарият учун балоғат асри бўлган бўлса, «Сунан»лар даври ана шу матний-тарихий адекватликдан чекинмаган ҳолда, ислом шариятни янги шарт-шароит ва замонга ҳозиржавоблик, эътиқодий бағри кенглик ва сабр тоқатлиликини, юксак исломий маърифат йўлини илгари сурди. Яъни «Сунан» мажмуъларда «Саҳиҳ», «Ҳасан» ва «Заъиф ёки Муъжаз» ҳадислар ўрни, шароити ва замонасига қараб ижтиҳодий мақом касб этди, араб-мусулмон жамиятини муттасил тараққиёт ва камолот йўлига ўтиш салоҳиятини кашф этди. Шунинг учун ҳам IX—XI, XII—XV асрлар нафақат илмий-иқтисодий кўтарилиши даври, балки ислом, шарият бағрида етилтириб келган ана шу юксак илмий-маърифий ва технологик ечимлар самараси, рўёбга чиқиш даври, нодир араб-мусулмон цивилизацияси даври бўлиб қолди.

Жоҳилия давридан чиқиб келаётган, ҳали илм-фан, маданият савиясига кўра жоҳилия урф-одатларидан ажралиб улгурмаган, бироқ Муҳаммад С. О. А. В. М.нинг илоҳий ва йрсолий салоҳияти туфайли ваҳдоният эътиқод йўлини тутган барча араб уруғ-қабилаларининг, илмий ва диний-орифий, ҳуқуқий-ахлоқий савиясини араблар босиб олган ва мусулмонлаштираётган нисбатан юксак илм-фан, ҳуқуқий-ахлоқий маданият соҳибни бўлмиш Бизантлар, Эрон, Турон ва бошқа минтақа халқлари савиясига кўтариш, омухта этиш имконияти вужудга келди. Бу ерда барча халқлар, минтақалар билан бўлган ана шу омухта жараёни тўғрисида, муаммонинг барча аспектлари тўғрисида тўхталиб ўтишнинг албатта иложи йўқ. Биз агар фақат ҳадисларни танқидий ва тарихий тадқиқ этиш йўли билан исломга киритилган қадриятларга тўхталадиган бўлсак қуйидагиларни таъкидлашимиз мумкин холос. Жоҳилия арабларидан Байъ, Рибъони мўътадил ушлаб туриш, турли урф-одатлар, юксак шеър санъати — сажж, ражаз, мурувват, футувват ва салтанат принциплари Қуръондаги ўз ўрнидан ташқари, ҳадислар воситасида ислом, шариятда қонунлаштирилди.

Бизантлардан Ироқ ва Шом араблари орқали кириб келаётган қадимги Юнон-Рим ҳуқуқи анъаналари аввал ҳадислар воситасида, сўнгра эса бевосита Басра, Куфа, Дамашқ, Бағдод фикҳ мактаблари орқали ислом, шарият маданиятида ўз ўрнини топди.

Ажам (Эрон, Турон, ҳинд ва ҳ. к.) маданиятига келинса, бу минтақа диний-орифий маданиятнинг деярли ҳамма аспектлари у ёки бу шаклда ҳадисчилик йўли билан ислом ва шариятга кириб келди. Бун-

⁶ Қаранг: Петрушевский И. П. Уша асар, 128—129-бетлар.

га ислом арконларига оид — намоз ўқиш, таҳорат тартиботлари, имон ақидаларига оид — оҳират, нариги дунё, дўзах, жаннат, ўлгандан сўнг тирилиш, пулсирот кўприги ва ҳ. к.лар ҳадислар йўли билан ислом, шариат тартиботидан жой олди.

Зардуштийлардаги ахлоқий таълимотнинг асосий принциплари — эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амални олсак, булар айни Имом ал-Бухорий таҳририда «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ»га, «Иннамаа-л-аъмолу бан-нийоти» яъни «Барча — ҳайрли, эзгу амаллар, эзгу ният, сўз билан рўёбга чиқади» деган машҳур инсонпарвар ва ақлпарвар ҳадис шаклида араб-мусулмон маданияти қадриятлари қаторидан жой олди.

Ҳадисларни танқидий ва тарихий тадқиқ этиш Имом ал-Бухорий томонидан ақлий (Раъй, Қиёс) принципларни изчил қўллашга — оқибатда эса ҳадисларда уқдириладиган, тавсия этиладиган ўғит, сўз, хатти-ҳаракатлардан фақат ақл-мантиқ қабул қиладиганини, инсонийликка тўғри келадиганини қабул қилиш, барча ҳурофий урф-одатлардан, масалан, жоҳилия арабларидаги фаҳш ёки туғилган қиз чақалоқни қўмиб ташлаш, ёки зардуштийлардан ўз яқинлари билан жимоъга киришиш каби ғайриинсоний, ғайри ахлоқий урф-одатлардан узил-кесил воз кечиш имконини берди.

Бошқа томондан эса Имом ал-Бухорийнинг ҳадисларни тарихий ва танқидий тадқиқ этиш усуллари охир-оқибатда ислом дунёқараши, шариат амалиётини жоҳилия араблари даврига мос эътиқод бир томонламалиги, қотиб қолиш, маҳдудликдан қўтариб, ислом, шариатни тараққиёт, замонавий технологияга ҳозиржавоблик билан, ҳар қандай шароит, вақтда эркин кириб бора олишдек иқтидор, салоҳият касб этишига имкон берди. И. Гольдциэр таъкидлаганидек, Имом ал-Бухорийнинг ҳадисларни тадқиқ этиш усули исломни қотиб қолишдан сақлаб, «бошқа урф-одатлар, ғоялари бекордан-бекорга маҳв этиб юбориш ўрнига, уларни янги дин (яъни ислом) руҳига мос янгича талқин этилиб, қабул этилишига йўл очди»⁷. Бу ислом, шариатда доимий янгилик, инсонийлик ва амалий самарадорликка ташналик, интилишдек уюштирувчи, бирлаштирувчи (интегротив), омухта қилувчи (синтез) фундаментал сифат, қобилиятни шакллантирди, IX—XV асрлар араб-мусулмон илм-фани, маданияти, цивилизациясини жаҳон ижтимоий тараққиётида нафақат устун бўлиб қолишига, балки инсоният ижтимоий-технологик тараққиётнинг белгиловчи кучига айлантирди. Бу Имом ал-Бухорийнинг диний, илмий ва тарихий хизматидир. Айнама ана шу ҳозирги мусулмонларни ҳурофотларга берилмасдан, ҳозирги технологик тараққиётга аминлик билан юз тутишлари зарурлигини кўрсатади, Ўзбекистоннинг илғор тараққиётининг маънавий-ориёфий кафолати бўлиб хизмат қилади.

⁷ Гольдциэр И. Лекции об исламе. М., 1912: С. 89.

Р. М. БАҲОДИРОВ

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ВА ИЛМЛАР ТАСНИФИДА ҲАДИС

Исломнинг Урта Осиёда нисбатан тез тарқалишида бу ерда исломгача бўлган даврда вужудга келган қулай ва ижобий шарт-шароитлар, яъни ушбу минтақа халқларида яккахудолик — Тангри ғоясининг тўлиқ шаклланганлиги ҳам муҳим роль ўйнади. Натижада Урта Осиё улкан минтақа — бутун мусулмон Шарқдаги жадал маънавий янгиликни жараёни иштирокчисига айланди.

Шарқ халқлари маънавияти тарихида унинг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшган Имом ал-Бухорий (810—870 йиллар), Имом ат-Термизий (825—892 йиллар), ал-Ашъарий (873—935

йиллар), ал-Мотуридий (994 йилда вафот этган), ал-Ғазолий (1058—1111 йиллар) ва бошқа кўпгина олимлар маълум. Бу олимларнинг асарларида ислом ва унинг тарихи масалалари кенг ёритилган ҳамда улар кўпгина диний илмларни ривожланишига кучли туртки бўлган.

Ислоннинг илк тарафдорлари ҳар қандай илм асосини Қуръон ташкил этади, деб ҳисоблар эдилар. Улар наздида ҳақиқий мусулмон учун лозим бўлган барча билимларни ўзида мужассам қилган фақат «ислом илмлари»гина ўрганишга лойиқдир. Бу илмлар ўша даврда фикҳ ва каломдан иборат бўлган.

Билишнинг янги йўналишлари пайдо бўлиши илмий тасниф ва ҳар бир илмга тааллуқли масалаларни аниқлашни талаб қилди. Бу эса илмларни маълум бир тизимга солиш ва таснифлашни тақозо этди. Илмлар таснифи илмлар ривожланишининг ҳақиқий ҳолатини акс эттириб, улар босиб ўтган йўлни, ривожланиш даражаси ва эришган натижаларини кўрсатади. Урта асрдаги илмий билим кенг миқёсдаги ва даражадаги илмлар, жумладан, диний илмларни қамраб олган эди.

Илмлар ривожланиши таъсири остида IX асрдаёқ Шарқда йиғилган билимларни тартибга солиш, илмлар таснифини ишлаб чиқиш ҳаракатлари бошланди. Шу даврда барча илмларни икки кўринишга: 1) ўз ичига араб тили услуби, асослари, Қуръон тили, ислом меъёрларини қамраб олган гуманитар билимлар — «улум ал-ислом» ҳамда; 2) математика, табиий илмлар, мантиқ, метафизика ва ҳоказолардан иборат — «улум ал-ақлиййа», яъни «рационал илмлар»га бўлинган эди. Биринчи гуруҳ ислом, диний билимлар ва ақидалари тизимини мустаҳкамлаш, қонунлаштириш ва ишлаб чиқиш, иккинчиси эса моддий борлиқ — табиатнинг моҳиятини ўрганишга қаратилган эди. Бир илм таркибида маълум йўналишдаги билимларнинг жамланиши, кейинчалик унинг асосида янги йўналиш, янги илм соҳасини вужудга келтирди. Ана шундай соҳаларнинг бири — ҳадис илмидир. Илгари олимлар ҳадис ва унинг хиллари (мутассил, мунқатиъ) ҳақида фикрни ислом қонуншунослиги асоси бўлган ва ислом ҳақиқий посбонларининг доимий дастури — Қуръони Карим, Пайғамбар сўзлари, насиҳатлари, ҳикматли гаплари ва ҳаётини акс эттирувчи суннат; ижмоъ; қиёс каби масалалар билан бирга фикҳ илмида кўриб чиққанлар.

Ҳадис илми ривожланишига Имом ал-Бухорий билан бир қаторда, Имом ат-Термизийдан ташқари, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож (819—874 йиллар), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний (817—880 йиллар), Имом Аҳмад ан-Насоий (830—915 йиллар), Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язиб ибн Можжа (824—886 йиллар) каби олимлар ҳам катта ҳисса қўшганлар.

Кейинчалик, манбалар кўрсатишича, ҳадисга, биринчи навбатда, Имом ал-Бухорийнинг катта меҳнати ва саъйи ҳаракати самараси туфайли асос солинди ҳамда унинг юксалишига катта ҳисса қўшилди. Нәтижада ҳадис фикҳ илми таркибидан ажраб чиқиб, диний илмлар орасидан ўрин эгаллади. Вақт ўтиши билан унинг мавқеи тобора орта борди.

Бунинг барчаси тасдиқини биз таснифларга бағишланган асарларда кўрамыз. Ҳадис илмининг таснифдаги ўрни ва муҳаддислар ҳақидаги маълумотни биз биринчи бор X аср олими Абул Фараж Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим ал-Варроқ ал-Бағдодий¹да учратамыз.

Ибн Надим отаси билан кўпгина шаҳарларга сафар қилган ва унинг таъсирида китобларга муҳаббати пайдо бўлган. Шу боис у қўлёзмалар, китоблар, кутубхоналар ва хатларни йиғиш билан шу-

¹ У ва унинг асари ҳақида тўлиқроқ маълумотларни қаранг: Крачковский И. Ю. Избр. соч. Т. 4. М.; Л., 1947; Полосин В. З. «Фихрист» Ибн Нади́ма как историко-культурный памятник X века. М., 1989; ва бошқалар.

гулланган ҳамда барча тўплаган маълумотларини илмлар таснифи асосида тузган «Рўйхат» («ал-Фихрист»)² китобида баён қилган.

Ибн Надим асарининг таҳлилидан муаллиф икки гуруҳга бўлинган баъзи бир илмларни кўриб чиқибгина қолмай, балки уларни тасниф ҳам қилганлиги кўринади. Китобнинг илк тузилиши тўрт бобдан³ иборат бўлиб, «мусулмон бўлмаган» илмларга бағишланган эди. Сўнг-ра муаллиф ўз асарини «мусулмон илмлари»га бағишланган қисмлар ҳисобидан кенгайтirdи. «Мусулмон илмлари»га тааллуқли бобларда араб ва бошқа тиллар; сарф ва наҳв; лексикография; тарих; адабиёт; шеърят; дин ақидалари ва фикҳ кўриб чиқилган эди.

Шундай қилиб, Ибн Надимнинг диний илмларни илмлар таснифи нуқтаи назаридан зикр этган ва ўн бобдан иборат шаклдаги ўзининг «ал-Фихрист» асарида диний илмлар мазмуни муфассалроқ баён этган. У шунингдек, X асрда муҳаддислар ҳақида тўхтаб ўтган биринчи муаллифдир. Ибн Надим муҳаддислар ҳақидаги маълумотларни «Мусулмон ҳуқуқи, ҳуқуқшунослари ва муҳаддислар ҳақида» номли олтинчи бобида баён этиб, биринчи муҳаддислар қаторида Имом ал-Бухорийни зикр этган.

Ушбу борада, яъни бевосита ҳадис илми ҳақида сўз юритган ва уни алоҳида мустақил илм сифатида зикр этган олимлар қаторида, Абул Ҳасан ал-Амирий (XII аср)ни ҳам зикр этиш лозим, чунки у ўзининг «Ал-Аълум би маноқиб ал-ислом» асарида диний илмларнинг таснифини ва унинг учинчи бобида миллий илмлар, илмлар асоси, фикҳ қаторида алоҳида ҳадис илмини ажратиб кўрсатган.

Фахриддин ар-Розий таҳаллуси билан машҳур бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳусайн (1148—1210 йиллар)⁴ ҳам илмлар таснифига бағишлаб «Илмлар мажмуаси» («Жомий ал-улум»)⁵ номли асар яратган. Бу асарни у асосан диний илмлар моҳиятини очиб бериш мақсадида ёзган бўлиб, унда олтинчи бир илмни баён этган. Ушбу асрда «Ҳадис илми» олим томонидан «Калом», «Фикҳ асослари», «Тафсир» каби илмлари қаторида ўн биринчи ўринда зикр этилган.

XII асрда ижод этган олимлардан яна бири Абу Абдуллоҳ Алоуддин Али ибн Саъад ибн Ашраф ибн Али ал-Қурашийни ҳам шу йўналишда изланиш олиб борган. Бу борада унинг ««Жомий ал-улум»даги сўзлар хулосаси» («Хулоса ал-алфоз жомий ал-улум»)⁶ номли асарини зикр этиш жоиз. Унда муаллиф икки юзга яқин илмларни, аниқроғи бир юз етмиш етти илмни зикр этганида «Қуръон қироати илми» ва «Тафсир илми»дан сўнг учинчи ўринда «Ҳадис илми» ҳақидаги маълумотларни баён этган.

Бу ва бошқа асарларга асосланган ҳолда биз ҳадисни XIII асрнинг иккинчи ярмидан фикҳ илми таркибидан чиқиб, диний илмлар орасида ўзининг алоҳида ва жуда юқори ўрнини эгаллаганлигини кўра-миз.

Диний илмлар борасида изланишлар фаоллашувни туфайли XIII—XVI асрлар олимлари ҳам бу борада кўп изланишлар олиб борганликлари, яъни уларда фикҳ, калом ва, айниқса, ҳадисни акс эттирганликларини кўра-миз. Ана шу давр олимларидан бири Шамсуддин Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Саъид ал-Ансорий ал-Ақфоний ас-Саховий

² Ибн Надим. Фихрист. Қоҳира, 1929.— Араб тилида.

³ Қаранг: Крачковский И. Ю. Избр. соч. Т. 4. С. 238.

⁴ У ҳақида тўлиқроқ маълумотларни қаранг: Из философского наследия народов Ближнего и Среднего Востока; Фахриддин Розий. Илмлар мажмуаси. Тошкент, 1913. Форс тилида; ва бошқалар.

⁵ Фахриддин Розий. Илмлар мажмуаси. Тошкент, 1913.— Форс тилида.

⁶ Абу Абдуллоҳ Алоуддин Али ибн Саъад ибн Ашраф ибн Али ал-Қураший. Хулоса ал-алфоз жомий ал-улум. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёмаси. Инв. № 2919/1.— Араб тилида.

(749/1391 йилда вафот этган)дир. Ас-Саховий «Мақсадларнинг олий-сига интилувчилар учун қўлланма» («Иршад ал-қосид ила исна ал-мақосид») ⁷ номли асарида ўзига хос илмлар таснифини баён этган. Ўз таснифида олим илмларни негизи асосида иккига бўлса, тузилиши жиҳатидан эса, саккизга ажратади. Ана шу саккиз бўлак ҳолида баён этилган шаклдаги таснифда ас-Саховий томонидан ҳадис илми «Ҳадисни баён қилиш илми», яъни Пайғамбаримиз, саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларини баён қилишдаги турлар ва уларнинг хулосалари билан таништирувчи тўртинчи бобда зикр этилган.

Амир Темур билан бир неча бор учрашган ва ҳамсуҳбат бўлган йирик араб олимлардан бири Абу Зайд Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ибн Халдун (1332—1406 йиллар) ⁸дир. Унинг шоҳ асари сифатида жаҳон тарихига бағишланган «Китаб ал-абр ва диван ал-мубтада ва-л-хабар фи ай-йам ал-араб ва-л-аджам ва-л-барбар ва ман асархум мин зави ас-султан ал-акбар» ⁹ зикр этилади. Ибн Халдун ушбу асарига катта ва муфассал «Муқаддима» ёзиб, унда тарихий тараққиётнинг асосий қонун-қоидаларини баён этган ва айни пайтда ўша давр илмига алоҳида эътибор берган. Махсус бобда илмлар таснифини баён этиб, уларни икки гуруҳга ажратган. Биринчи гуруҳ таркибида «ақлий» — «фалсафий илмлар»ни ва иккинчи «анъанавий илмлар» гуруҳида «диний ва араб тилига оид илмлар»ни батафсил кўриб чиққан. Ибн Халдун саккизта диний илмларнинг иккинчи сифатида «Тафсир»дан сўнг «Ҳадис ҳақидаги илм»ни келтирган.

Илмлар таснифига бағишланган асарига ҳадис илмини киритган олимлардан яна бири Аҳмад ибн Яҳё ибн Муҳаммад ал-Ҳафид ал-Ҳаравий (1500 йилда вафот этган)дир. Илмлар таснифи масаласини «Ҳафид мажмуасидаги дурлар қатори» («Дурр ан-надид мин мажмуъа ал-Ҳафид») ¹⁰ асарида анъанага кўра икки гуруҳга бўлган ва бошқа ушбу мавзуда таҳлил этилаётган ўша давр олимларидан фарқли ўлароқ, биринчи гуруҳда аввал ўн иккита диний илми ва улар орасида иккинчи ўринда «Ҳадис ҳақидаги илм»ни келтирган.

Илм таснифини кўпроқ диний нуқтаи назардан кўриб чиққан Жалолуддин ас-Суютий (1445—1505 йиллар) ¹¹ эса «Танланган ўқувчилар учун билимни мукаммаллаштириш» («Итмом ад-дироя лил-қурро ан-ниқоя») ¹² асарида «Ҳадис ҳақидаги илм»ни «Дин асослари илми» ва «Тафсир илми»дан сўнг учинчи ўринда зикр этган.

XV—XVII асрларга келиб илмлар сони кескин равишда ортиб кетганини ва улар ўша давр таснифларидан ўрин олганликларини кўрамиз. Илмлар таснифига бағишланган асарида ана шундай кўп миқдордаги илмларни баён этган олимларнинг, табиийки таркибида ҳадис илми бўлган, биринчилар қаторида Тошкўпри-зода Аҳмадни (1495—1561) эслатиб ўтиш жоиз. Турк олими илмлар таснифи мавзуйга «Бахт калити ва устунлик қўлланмаси» («Мифтоҳ ас-саода ва мисбоҳ ас-

⁷ Шамсуддин Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Саъид ал-Ансорий ал-Ақфоний ас-Саховий. Иршад ал-қосид ила исна ал-мақосид. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўл ёзмаси. Инв. № 1458/11.— Араб тилида.

⁸ Ибн Халдун ва унинг асарлари ҳақидаги тўлиқроқ маълумотларни қarang: Григорян С. Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока IX—XIV вв.; Ибн Халдун. Муқаддима. Қоҳира, 1904.— Араб тилида; Бацнева С. М. Историко-социологический трактат Ибн Халдуна «Муқаддима». М., 1965; Игнатенко А. А. Ибн Халдун. М., 1980; ва бошқалар.

⁹ Ибн Халдун. Муқаддима. Қоҳира, 1904.— Араб тилида.

¹⁰ Аҳмад ибн Яҳё ибн Муҳаммад ал-Ҳафид ал-Ҳаравий. Дурр ан-надид мин мажмуъа ал-Ҳафид. Миср, 1322/1904—1905.— Араб тилида.

¹¹ Жалолуддин ас-Суютий олти юзга яқин асар муаллифи. (У ҳақида қarang: Аз-Зирикчи. Қомус ал-аълум. 3-т. 3010-бет.— Араб тилида; ва бошқалар.)

¹² Жалолуддин ас-Суютий. Итмом ад-дирия лил-қурро ан-ниқоя. Қоҳира, 1317/1899—1900.— Араб тилида.

сиёда») асарини бағишлаган бўлиб, бу асар аксарият илм аҳли орасида «Илмлар ҳолатлари» («Мавдуюот ал-улум»)¹³ номи билан машҳур. Тошкўпри-зода илмлар таснифини баён этишда уни олтига катта шохли ва ўз навбатида бир неча майда шохчаларга бўлинган дарахтга ўхшатади. Ҳар бир шох илмнинг маълум бир жабҳасини ёритади. Ушбу дарахтнинг олтинчи шохи етти диний илмга бағишланган бўлиб, унда «Ҳадисни айтиш ҳақидаги илм» иккинчи ўринда ёритиб берилган.

XVII асрда илмлар таснифи Ҳожи Халифа ва Қотиб Чалабий тахаллуслари билан танилган яна бир турк олими Мустафо ибн Абдуллоҳ (1609—1659)¹⁴ асаридан ҳам ўрин олган эди. Ҳожи Халифа илмлар таснифини «Қитоблар ва илмларнинг номларидаги шубҳаларни йўқотиш китоби» («Китаб Кашф аз-зунун ан асами ал-кутуб ва-л-фунун»)¹⁵ да баён этган. Бу асар био-библиографик тусда тузилган бўлиб, ўз ичига муаллиф ижод этган давргача яшаган барча олимлар ва уларнинг асарлари ҳамда мавжуд илмлар ҳақидаги маълумотларни қамраб олган.

Баён этилган барча илмларнинг тўртдан уч қисми ислом динига оид катта миқдордаги ва турли асрларда яратилган асарларга бағишланган. Тўртдан бир қисми эса қолган барча ақлий илмларни ўз ичига қамраб олади.

Ҳожи Халифа таркибида кўп илмларни жамлаган илм йўналиши сифатида Ҳадис, Қуръон, астрономия, тафсир, тиб, арифметикани зикр этган.

Биз кўриб чиқаётган мавзу, яъни ҳадис илмини илмлар таснифида акс этишини ўз олдига вазифа қилиб қўйган XVIII асрда яшаб ижод этган олим Сочиқлий-зода ал-Маръашийдир. У ҳам ўзининг «Илмлар тартиби» («Тартиб ал-улум»)¹⁶ асарида бошқа илмлар билан биргаликда ҳадис ва у ҳақидаги қатор илмлар: ҳадис ҳақидаги илм, унинг [ҳадиснинг] матни, унинг мазмуни, унинг ҳолати (етказишдаги кучли ва заиф томонлари) каби илмлар зикр этган.

Охирги икки олим асарлари XVII ва XVIII асрлар ҳамда ундан кейин ҳадис асосида ушбу мавзунини ёритувчи бир неча илмга бўлиниб кетганлиги ва унинг асосида қатор янги илмлар вужудга келганлигидан далолат беради.

Мухтасар равишда баён этилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, биз деярли барча асарларда ҳадис илми бевосита Имом ал-Бухорий номи билан боғлиқ; у ёки бу ҳолда қайд этилганлигини, яъни унинг ўзи билан бўлган суҳбат ва мулоқотлар, ундан олинган таълим, кейинчалик эса «Жомиъ ас-Саҳиҳ» асаридаги ҳадисларга таянишда кўрамиз.

Демак, ҳадиснинг пайдо бўлиши ва шаклланишида ҳамда XII асрнинг иккинчи ярмидан сўнг то шу кунга қадар илм сифатида мавжудлиги унга вақт ўтиши билан эҳтиёж ортиб борганлигини кўрсатади. Бу билан бир қаторда Ҳадис ривожланишининг сабабларидан яна

¹³ Тошкўпри-зода Аҳмад Афанди. Мавдуюот ал-улум: Икки жилдлик. Истанбул, 1895.— Турк тилида.

¹⁴ У ва унинг асари ҳақида тўлиқроқ маълумотларни қаранг: Крачковский И. Ю. Избр. соч. Т. 4. М.; Л., 1957; Абдуҳалимов Б. Ҳожи Халифа ва унинг «Кашф аз-зунун» асари ҳақида//Шарқшунослик. Тошкент. 1992. 3-сон, 47—52-бетлар; ўша муаллиф. «Кашф аз-зунун» Ҳаджи Халифи как источник по истории точных наук Мавераннахра и Хорасана//Общественные науки в Узбекистане. 1993. № 1. С. 56—60; ва бошқалар.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инвентар № 2537, шунингдек: Ҳожи Халифа. Китоб «Кашф аз-зунун» ан асами ал-кутуб ва-л-финун. Истанбул, 1310/1892—1893. Т. 1; 1311/1893—1894. Т. 2.— Ҳаммаси араб тилида.

¹⁶ Сочиқлий-зода Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Маръаший. Тартиб ал-улум. Қозон, 1319/1910.— Араб тилида.

бири унга Имом ал-Бухорий ўзининг катта ва серунум меҳнати билан ғоят самарали ижобий таъсир этганлигидадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов айтганларидек, «Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир»¹⁷.

Ўрта Осиё олимларининг меросини ўрганиш, фалсафий мушоҳада қилиш ва умумлаштириш бизга уларнинг ўрта аср маданиятида биринчилар қаторида барча илмларни, жумладан, диний илмларни турли томондан ўрганганликлари ва шу жабҳалардаги ютуқлари орқали нафақат Шарқ, балки бутун жаҳон маданияти, маънавияти ва илмий тафаккури, яъни цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшганликларини тасдиқлайди.

¹⁷ Президент Ислам Каримовнинг Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи//Халқ сўзи, 1998 йил 24 октябр.

С. ШЕРМУХАМЕДОВ

И. МУМИНОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Ириқ файласуф, давлат ва жамоат арбоби Иброҳим Мўмин ўғлининг номи фақат ўзбеклар учун эмас, балки бутун Урта Осиё халқлари учун ғоят қадрлидир. Минтақадаги маҳаллий миллатлар ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, улар ҳаётида миллий ўзлигини англаш жараёни жиддий суратда тезлашди.

Миллий ўзлигини англашнинг ўсиши натижасида халқимизнинг ўз маданий-тарихий илдизига, маданиятига, расм-русумлари ва тилига қизиқиши орта бориб, ўтмишда ўз орасидан етишиб чиққан буюк олимлар, адиблар ва миллий қаҳрамонларнинг тарихини кенг ўрганишга қизиқиш кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларида «инсоният тараққиётида улкан ҳисса қўшган буюк алломаларни, донишмандларни, саркардаларни етиштирган, бебаҳо маънавий қадриятларни яратган» аждодларимиз даҳосига юксак баҳо берилди. Миллий ўзлигини англашнинг ўсиши натижасида халқимизнинг маданий-тарихий илдизига, маданиятига, расм-русумлари ва тилига қизиқиши орта бориб, ўтмишда ўз орасидан етишиб чиққан буюк олимлар, адиблар ва миллий қаҳрамонларнинг тарихини кенг ўрганишга қизиқиш кучайди.

Иброҳим Мўминовнинг хизмати шундаки, у мустамлакачилик, якка ҳокимлик тазъийқига қарамай, ўз асарларини ана шу бобокалонларимиз яратган меросни ўрганишга бағишлади.

Иброҳим Мўминовнинг буюк файласуф олим, Ўзбекистонда фалсафа мактабининг йирик асосчиси сифатида шакллантирган тарихий вазият ва шароитни ўрганиш ҳамда мушоҳада этиш, шубҳасиз, муҳим амалий ва назарий аҳамиятга моликдир.

И. Мўминовнинг фалсафий асарлари кўп асрлик даврни, қадим замонлардан то биз яшаб турган XX асрнинг 70-йилларигача бўлган даврни қамраб олган. Унинг асарларида нафақат диалектика ва билиш назарияси, ижтимоий фалсафа, асрлар мобайнида вужудга келган файласуфларнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий фикрлари, балки Урта Осиё халқларининг тарихи ҳам ўз илмий ифодасини топган.

Иброҳим Мўминов кенг билимли, нодир тафаккурли файласуф бўлиб, у Урта Осиёда фалсафий фикрларни, фан, адабиёт ва санъатни вужудга келиши ва ривожланиши тарихини чуқур ўрганган, таҳлил этган, уларга ўз илмий муносабатларини билдирган йирик ва забардаст олим эди. Унинг Урта Осиё халқлари маданий меросига қизиқиши бугунги авлод учун катта мактаб бўлиб хизмат қилади.

И. Мўминовнинг кўпгина асарлари минтақанинг ҳозирги авлодига аждодларимиз яратган бой маданият, тарих, адабиёт, санъат ва илмий меросларни чуқур ўрганишга яқиндан ёрдам беради. И. Мўминовнинг кенг ва бой билими, унинг бой адабий манбаларни чуқур ўрганишига,

фалсафа ва тарихга доир янги илмий ишларни ёзишига, Ўзбекистонда фалсафа мактабини яратишга, ҳозирги файласуфларнинг бир бутун авлодини тарбиялаб етиштиришга ёрдам берди. И. Мўминов фан, маданият ва фалсафа илмига катта ҳисса қўшди. Бу фикримизни унинг 4 жилдли танланган асарлари тасдиқлайди.

И. Мўминов асарларининг қимматли томони шундаки, муаллиф фан йўлида туриб, кўплаб масалалар бўйича улар билан мунозарада бўлди ва айни чоғда уларни ривожлантирди.

И. Мўминов учун фан—жамиятга, халққа хизмат қилиши керак. Худди шу боисдан ҳам, у узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси «Билим» жамиятига раис бўлиб, фан, техника, маданият, фалсафий ютуқларни республика фуқаролари орасида тарғибот қилиш ишига бошчилик қилди.

И. Мўминовнинг сермазмун ҳаёти, илмий, мафкуравий фаолияти, шубҳасиз, файласуф ва тарихнавис олимлар диққатидан четда қолмади, улар унинг илмий меросини ўргандилар ва қимматли илмий асарлар яратдилар. Жумладан, И. Мўминовга бағишланган кўплаб махсус ишлар, олимлар жамоаси мақолалари, хотиралар чоп этилди. Уларда муаллифлар И. Мўминовни чуқур ҳурмат ва самимий миннатдорчилик ҳислари билан эслайдилар.

И. Мўминов Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккурини, бу халқларнинг оёққа туриб, ривожлана бошлаган ўз маданиятига ворислигини ва уларнинг қўшни давлатлар билан алоқасини, минтақа халқлари донишмандлари, шоирларининг илгор қарашларини тарғибот қилиш, Ғарб маданиятини Шарқ маданиятига қарама-қарши қўйганларга қарши кураш нуқтан назаридан туриб ўрганди.

Қўшни мамлакатлар олимлари хотираларида И. Мўминовнинг Ўрта Осиё минтақасида фанни ривожлантиришдаги хизмати, унинг турли миллат олимлари билан дўстлиги ва ҳамкорлиги, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон учун илмий ходимларни тайёрлашдаги фаоллиги, шунингдек, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ижтимоий тафаккур тарихининг энг қийин муаммоларини ҳал қилишдаги роли таъкидлангандир.

И. Мўминов ҳақиқатни гапирган, аниқ ва очиқ фикрни билдирган кишини ҳурмат қилар эди. Хотираларда И. Мўминовнинг адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги Ўзбекистон Республикаси энциклопедиясини яратишдаги, фаннинг гуманитар ва иқтисодий соҳалари учун юқори малакали илмий ходимларни тарбиялаб етиштиришдаги хизматлари атрофлича ёритиб берилган.

Биз И. Мўминовнинг кадр-қимматини камситмай, унинг фаолиятига муносиб ва ҳолисона баҳо беришимиз; унинг илмий фаолиятидаги икки ёқламалик устунлик қилувчи ижобий ва қисман чегараланган томонини кўра олишимиз зарурдир. Дарҳақиқат, атоқли олим, файласуф сифатида ўтмишнинг фалсафий, маданий мероси ва қадриятларини ўрганишга, уларни таҳлил этишда буюк ҳисса қўша олди.

Бугунги тадқиқотчининг вазифаси И. Мўминовнинг таржимаи ҳолини ҳам, унинг илмий асарлари мазмунини ҳам уларга янгича ёндашган ҳолда янги сиёсий тафаккур, ҳақгўйлик, илмийлик йўли билан ҳолисона таҳлил этишдан иборат.

И. Мўминов Ўзбекистонда фалсафа фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган, ўтмишда яшаб ўтган буюк аждодларимиз қолдирган бой меросни минтақа халқларига етказишда ва бу билан уларнинг миллий онгини, миллий ҳис-туйғусини ўстиришда жуда катта хизмат қилиб, ўзининг номини халқимиз қалбида абадийлаштиргандир.

Биз шуни эътироф этишимиз лозимки, ўзининг кўп йиллик фаолияти, доимий изланиши билан И. Мўминов республикада энг биринчи файласуф сифатида майдонга чиқди. Бу эса унинг катта ташкилот-

чилиқ қобилияти билан муштарак бўлиб, Ўзбекистонда фалсафа мактабининг асосчиси бўлишини қонуний тарзда таъминлаб берди.

Иброҳим Мўминов 1908 йил 7 ноябрда Бухоро амирлигининг Шофиркон тумани Тезгузар қишлоғида оддий деҳқон оиласида дунёга келди. Унинг болалиқ йиллари оғир, машаққатли меҳнат билан рўшнолик кўрмай, сиёсий беқарорлик ва тўнтаришлар туфайли элнинг тинчи бузилган шароитда ўтди.

И. Мўминов 1922—1927 йиллари Шофиркон туманидаги мактабда, сўнгра Бухоро маориф институтида таълим олди. У мактабни битиргач, Бухородаги икки йиллик курсда жамиятшунослик фанидан дарс олди.

1928 йили И. Мўминов Самарқанд олий педагогика институтининг ижтимоий-иқтисодий факультетига ўқишга юборилди. Кейинроқ Педагогика академиясига айлантирилган бу институтни у 1931 йили имтиёзли диплом билан тамомлади ва шу академияда ўқитувчи қилиб қолдирилди. Шу йиллари унда фалсафага, айниқса фалсафа тарихига, Урта Осиё халқлари тарихига қизиқиш кучайди ва у ўз илмий фаолиятини бошлаб юборди.

И. Мўминов А. Навоий номидаги Ўзбекистон (ҳозирги Самарқанд) давлат дорилфунунини ташкил этишда фаол қатнашди. Бу дорилфунун 1933 йили Педагогика академияси негизида барпо этилди. И. Мўминов олдин фалсафа, сўнг тарих факультетининг декани лавозимларида ишлади.

Тарих фанлар доктори Ҳ. Ш. Иноятов (у 1932 йилда Самарқанд Педагогика академиясининг талабаси бўлган) қуйидагиларни эслайди: «Мен ҳам ўша йиллари тарих факультетига ўқиган бошқа талабалар ҳам навқирон, фалсафа ўқитувчиси И. М. Мўминовнинг маърузаларини тоабад хотирамизда сақлаб қолдик. Биз фалсафани бу ҳаётдан ажралган қандайдир донолик илми эмас, балки у ҳаётнинг ўзи, уни ўзгартира олувчи қурол, восита—эканлигини тушуниб олдик.»

1933 йили И. Мўминовнинг «Гегел фалсафасининг рационал мағзи», «Алишер Навоий — буюк маърифатчи» ва бошқа асарлари чоп этилди. Бу И. Мўминовнинг файласуф бўлиб, шаклланиб бораётганини ифодалайди.

И. Мўминов 1941 йилда «Гегел диалектикасининг рационал мағзи» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади, у маҳаллий миллат вакиллари орасида биринчилардан бўлиб, фалсафадан илмий даража олишга эришган эди.

1943 йили Ўзбекистон Фанлар академияси барпо этилди. Республикада бу фан маркази ташкилотчиларидан бири И. Мўминов бўлди. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланди, бу унинг фанга қўшаётган ҳиссасининг республика олимлари томонидан тан олинганини билдирарди.

40-йиллардан бошлаб, И. Мўминовнинг илмий фаолиятида янги босқич бошланди. Бу босқичнинг алоҳида белгиси — Урта Осиё ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккурининг йирик вакили Мирзо Бедил қарашларини ўрганиш ва тадқиқ қилишга қаратишдан иборат эди. Бу мавзунини танлаш тасодиф эмас, балки тадқиқотчи учун қонуний зарурият эди. Гап шундаки, М. Бедил Шарқ файласуфлари орасида кўзга кўринган, йирик олим бўлиб, у ижтимоий-маънавий ҳаётда чуқур из қолдирган ва кейинги даврларда Урта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккурини ривожланишига муҳим таъсир кўрсатган эди. Бедил фалсафаси И. Мўминов учун асосий халқа бўлиб, уни ўрганиб минтақа халқлари ижтимоий-сиёсий қарашларининг ривожига доир йирик асар ёзиши мумкин эди.

И. Мўминов ўз кучи — ғайратини Аҳмад Дониш, Зокиржон Фурқат, Муқимий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва XIX аср ҳамда XX асрнинг

бошқа маданият вакиллари, маърифатпарварлари ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларини тадқиқот қилишга ҳам сарфлади.

И. Мўминов кўп йиллик катта меҳнати натижасида 1950 йили «XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти тарихидан» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1954 йили унинг «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиши тарихи масаласига доир (X асрдан XX аср бошларигача)» деган асари нашр этилди. Бу асарда муаллиф Ўзбекистон халқларининг ижтимоий-фалсафий таълимотлари ривожининг асосий босқичларини, бу даврларда ижод этган Форобий, Ибн Сино, Беруний, Навоий, Машраб, Турди, Аҳмад Дониш, Муқимий, Завқий каби йирик мутафаккирларни таҳлил этди.

1955 йили унинг «XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти тарихидан» номли яна бир монографияси эълон қилинди. Бу асарда Туркистоннинг мустамлака бўлган даврдаги маданий ҳаёти, мафкураси, ижтимоий-сиёсий тафаккури, унинг хусусиятлари ёритилган эди.

1956 йили И. Мўминов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига аъзо ва айни вақтда вице-президенти этиб сайланди ва умрининг охиригача бу юксак лавозимда ишлади. И. Мўминовга ижтимоий фанлар соҳасида илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш ва раҳбарлик қилишдан иборат масъулиятли вазифа топширилди. У ўзининг бутун билими, бой тажрибаси, ташкилотчилик қобилиятини Ўзбекистонда ва бутун Урта Осиёда ижтимоий фанларни ривожлантиришга қаратди. У бу соҳага раҳбарлик қилган йиллари ижтимоий фанларда анча силжиш рўй берди, бу фанлар билан шуғулланувчи фан номзодлари ва докторларнинг сони кўпайди, миллий ходимларга эътибор кучайди.

И. Мўминовнинг фалсафа бўйича ўзбек тилида дарсликлар яратишдаги хизмати ҳам бениҳоя каттадир.

И. Мўминов кўпгина тарихий асарларга, жумладан, тўрт жилдлик «Ўзбекистон тарихи», икки жилдлик «Самарқанд тарихи»га муҳаррирлик қилган тарихчи олимдир.

1958 йилдан бошлаб И. Мўминов республика «Билим» жамияти раиси бўлиб ишлади. У бир қанча орден ва медаллар, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони билан тақдирланган эди. И. Мўминов 1967 йилда Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофотига сазовор бўлган эди.

II. Мўминовнинг бутун ҳаёти ва фаолияти ўз халқига сидқидилдан хизмат қилиш намунасидир. Миннатдор ўзбек халқи унинг номини атоқли файласуф ва мутафаккир сифатида хотирлайди. Биз И. Мўминовнинг атоқли файласуф сифатида шаклланиши ва камол топишига доир баъзи бир фикрларни ғоят қисқа баён қилдик, холос. Ўз-ўзидан равшанки, И. Мўминовнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ва ёритиш учун махсус тадқиқот биографик очерк талаб этилади. Бизнинг вазифамиз эса И. Мўминов фалсафий асарларининг айрим томонларинигина таҳлил этишдир, холос.

А. ЖАЛОЛОВ

ИБРОҲИМ МЎМИНОВ — АЛЛОМА, АРБОБ ВА ИНСОН

Атоқли ўзбек файласуфи, илм-фаннинг йирик ташкилотчиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби Иброҳим Мўминов ҳаёт бўл-

ганида 90 ёшга (1908—1974) кирган бўларди. Тақдир тақозоси билан у киши, бор-йўғи, 66 йил умр кўрдилар, холос.

Бироқ, кишининг ҳаёти, пировард натижада, унинг ёруғ дунёда қанча йил умр кўрганлиги билан белгиланмайди. Инсон ҳаётининг бош мезони—унинг томонидан қилинган ишларнинг салмоғи, кўлами ва аҳамиятидир. Ушбу мезон талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, Иброҳим Мўминовнинг ибратли ишлари, кенг кўламли илмий меросини ҳеч ҳам атиги 66 йиллик умр муддати доирасига сиғмаслигини, аллома ўз ҳаётининг фаолиятининг ҳар бир йилига самарали мазмун бахш этиб яшаганлигини кўрмай сира иложимиз йўқ.

Мисол учун қуйидаги бир неча рақамга мурожаат этайлик. Иброҳим Мўминов — 200 га яқин чоп этилган ишларнинг муаллифи, 20 дан ортиқ фан докторлари ва 80 дан зиёд фан номзодларининг мураббийси.

Алломанинг илмий ижодига мансуб, унинг чоп этилган ишлари хусусига келсак, манзара қуйидагича. Албатта, Иброҳим Мўминов қандайдир бир ижтимоий-маънавий бўшлиқда яшамаган, муаллақ бир вазиятда қалам тебратмаган. Иброҳим Мўминовнинг бутун умри, ҳаётининг йўли кечган даврнинг қандай бўлганлиги, энди, барчага маълум. Аллома оддий бир қалам соҳиби эмасди. У илм-фан соҳасидаги йирик лавозимларда ишлаган ва, шу боис ҳам, ўз даврининг муҳим ижтимоий буюртмаларини бажаришга, хизмат бурчи нуқтан назаридан, мажбур бўлган. Иброҳим Мўминов ўзи яшаган ижтимоий-маънавий муҳитнинг маҳсули, фарзанди ҳам эди.

Бироқ, ҳар бир даврнинг ҳам, бамисоли оиладагидай, ҳар хил фарзандлари бўлади. Аллома Иброҳим Мўминов ўз даврининг, халқининг, Ватанининг танти, содиқ, асл фарзанди эди. Иброҳим Мўминов шахсига, ижодига баҳо беришда иккита, бир-бирига зид, нотўғри ёндашувга йўл қўймаслик муҳим. Яъни, аллома, гўёки, бутун вужуди ила шўролар маъмурий-қўмондонлик тузумини мустақкамлаш ишига хизмат қилган ёки, жорий сиёсатдан бирмунча узоқ бўлмиш, фалсафа тарихи билан шуғулланиб, бир умр ҳукмрон тизимга, унинг хуружига фақат чап бериб яшаган. Аслида, ундай ҳам эмас, бундай ҳам эмас.

Бугун биз учун энг муҳими — аллома Иброҳим Мўминов меросидаги, замона зайли билан битилган, ўткинчи нарсаларни бир чеккага суриб қўйиб, ундаги умрбоқий илмий ғоялардан Ватанимиз — Ўзбекистон мустақиллигини янада мустақкамлаш ишида фойдалана бишлидир.

Иброҳим Мўминов қолдирган мерос бизга бундай имкониятни тўлатқис беради. Бу ерда чиранишга, у ёки бу нарсани зўрама-зўраки, «қулоғидан тортиб» чиқаришга ҳеч қандай ўрин, зарурат йўқ.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аллома ўз умрини, асосан, бағишлаган соҳа — фалсафа тарихи, — ўз халқи, юртининг ёруғ истиқболига ишонган киши онгли фаолиятининг ёрқин ифодасидир.

Иброҳим Мўминов қалами Ўзбекистондаги илғор ижтимоий-фалсафий ва илмий-табiiй фикрлар, сўнгги минг йилдан зиёд давр мобайнидаги (IX асрдан XX асрнинг бошларигача), тарихини таҳлил этишга бағишланди. Аллома ўзининг ушбу йўналишга оид қатор асарларида Урта Осиё, Шарқнинг машҳур мутафаккирлари — Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Мирзо Бедил ҳамда Фурқат, Муқимий, Завқий, Ҳамза ва бошқаларнинг ижтимоий-фалсафий, бадий, сиёсий фикрларини чуқур таҳлил қилди, уларнинг халқимиз маънавий ривожига аҳамиятини очиб берди. Иброҳим Мўминов Наршахий, Бойҳақий, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Дониш каби машҳур аждодларимиз меросларини кенг миқёсларда ўрганишни ташкил этиш, уларнинг асарларини ўзбек ва рус тилларида нашр қилиш

ишига катта куч-ғайрат сарф қилди. Улар ҳозир ҳам маданий-маънавий, жумладан фалсафий тарихимизни тадқиқ этишнинг муҳим маънавий негизи бўлиб хизмат қилмоқдалар.

Иброҳим Мўминов меросида Соҳибқирон Амир Темур на унинг тарихда тутган ўрни масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Аллома Амир Темур, теурийлар даври тарихи, ижтимоий-фалсафий фикри тадқиқотчи сифатида, нафақат собиқ Шўролар Иттифоқида, балки, жаҳонда ҳам маълум ва машҳур бўлди. Олим, мустабид тузум даврида, Амир Темурнинг фаолияти, амалга оширган бунёдкорлик ишлари, маданият ва илм-фанга қўшган беқиёс улушига бағишланган рисола ёзди, Соҳибқироннинг тарихда тутган муносиб ўрнини, имкон борича, илмий, ҳолисона кўрсатиб берди. 1960 йилларда «Темур тузуклари»ни нашр қилишнинг ташаббускори бўлди. Ҳолбуки, шўролар тузуми даврида Амир Темурга нисбатан муросасиз салбий муносабат ҳукмронлик қилиб, уни илмий ва бадиий адабиётларда «қароқчи», «йўлтўсар», «босқинчи», деб аталарди, унинг фаолияти сохталаштирилиб, унинг тарихда тутган ўрнини, Мовароуннаҳр ҳамда жаҳон маданияти ва илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини инкор қилардилар. Ана шуларни назарда тутсак, олимнинг ўша даврда нақадар катта илмий жасорат ҳамда юксак миллатпарварлик намунасини кўрсатганлиги маълум бўлади.

Иброҳим Мўминов нафақат фалсафа соҳасида, балки, ижтимоий-гуманитар фанларнинг бошқа йўналишларида ҳам баракали ижод қилди, уларнинг равнақида улкан ҳисса қўшди. Хусусан, олимнинг бевосита бошчилигида тарих ва иқтисод, адабиёт ва ҳуқуқшунослик соҳаларига оид йирик монографиялар чоп этилди.

Аллома Ўзбекистондан хорижга ташриф буюрган кўплаб илмий делегацияларга раҳбарлик қилди, юртимиз илм-фани, маданияти ютуқларини жаҳон мамлакатлари бўйлаб тарғиб қилди.

Иброҳим Мўминов республикада ўзига хос фалсафий мактаб яратди, ёш олимларнинг меҳрибон устози сифатида кенг жамоатчиликка танилди. Алломанинг бевосита илмий раҳбарлигида вояга етган, мамлакатимизда фалсафа фанини ривож топтиришга хизмат қилган ва қилаётган шогирдларидан — Ўзбекистон ФА академиги М. Хайруллаев, республика ФА мухбир-аъзолари — Ҳ. Пўлатов, А. Валиев, М. Баратов ва С. Шермухамедовларнинг номларини келтирсак, кифоя қилса керак. Иброҳим Мўминов юртимизнинг олий ўқув юртларига талай малакали илмий кадрлар етиштирган, шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиб берган муаллифлар жамоаларига раҳбарлик қилган.

Олим Ўзбекистон илм-фанининг йирик ташкилотчиларидан бўлиб, у Самарқанд Давлат университетини шакллантиришда, унинг ташаббуси ва ташкилотчилиги асосида тузилган, биринчи директори бўлган, кейинчалик номи берилган Ўзбекистон Республикаси ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтини, шунингдек, Археология институти, Ўзбекистон Қомусини тузишда фаол қатнашган. И. Мўминов, 18 йил давомида (1956—1974), узлуксиз равишда, Ўзбекистон ФАнинг ижтимоий-гуманитар илм соҳалари бўйича вице-президенти бўлиб ишлади, гуманитар йўналишдаги илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирди. Шунини алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Иброҳим Мўминовнинг кўплаб фалсафий ғоялари, унинг Урта Осиёда ва ундан ташқарида яшаб ижод этган аждодларимиз — мутафаккирларнинг дунёқарашлари тўғрисидаги, қимматли фикрлари ҳозирги мустақиллик шароитида ҳам ўз аҳамиятини нафақат йўқотгани йўқ, балки, юртимиз миллий истиқлоли маънавий асосларини мустаҳкамлаш ишига самарали хизмат қилмоқда.

Иброҳим Мўминов 1958 йилдан то умрининг охиригача республика «Билим» жамиятини бошқарди, «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали ташкил топган кундан эътиборан унинг узлуксиз бош муҳаррири бўлди, 6 мартаба мамлакат давлат ҳокимияти юқори вакиллик идораси—Олий Кенгашнинг депутати этиб сайланди. Фалсафа ва Социология жамиятлари Ўзбекистон бўлимларига раҳбарлик қилди, унинг бевосита бошчилигида Ўзбекистон Қомусининг дастлабки 5та жилди чоп этилди, яна 4 таси нашрга тайёрланди.

Иброҳим Мўминов нафақат тарихан маданиятли, маърифатли, илмга чанқоқ халқнинг фарзанди эди. У ёшлигидан шундай халқнинг анъанавий маънавий муҳитида яшаган оила, сулоланинг ҳам вакили сифатида шаклланди, ўсди, улғайди. Бўлажак алломанинг падари бузруквори — Абдумўмин Файзулло ўғли ўрта ҳол деҳқон, волидан муҳтарамаси — Маҳфиратбиби ўқимишли аёл бўлиб, фарзандларининг тарбиясига катта эътибор берганлар. Иброҳим Мўминов томонидан «Устозим—волидам» номли («Фан ва турмуш», 1968) мақоланинг ёзилиши ҳам бежиз эмас.

Иброҳим Мўминовнинг оталари 1924 йилда вафот этганларидан кейин, туғишганлари — Абдумалик ва Араббой акалар ўз укалари — Мусо, Иброҳим ва сингиллари Қамбараларнинг тарбияси, ўқимишли бўлишларига бош-қош бўлдилар. Натижада: Мусо Мўминов — физик, профессор бўлиб етишди, 1943—1952 йилларда Самарқанд Давлат университетига ректорлик қилди; Иброҳим Мўминов — академик, давлат ва жамоат арбоби даражасига, мартабаларига эришди; Қамбара Мўминова — ўқитувчи бўлиб етишди, ёшларга мураббийлик қилди.

Иброҳим Мўминовнинг ўзи ҳам ибратли оиллага асос солди. Алломанинг 3 ўғил ва бир қизлари бор. Улардан: Мухтор Мўминов — физика-математика фанлари доктори, профессор; Акрам Мўминов — тиббиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд тиббиёт институти ректори; Ахтам Мўминов — физика-математика фанлари доктори, профессор; Зулфия Мўминова — тиббиёт фанлари номзоди.

Умуман, Мўминовлар сулоласида 50 дан ортиқ фан докторлари ва номзодлари бўлиб, улардан 1 нафари академик, 2 нафари ЎзР ФА мухбир-аъзоси, 6 нафари Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиблари, 3 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 2 нафари Республикада хизмат кўрсатган маориф ходимларидирлар.

Иброҳим Мўминов билан ҳаёт сўқмоқларида елкадош туриб, у киши ила турмушнинг аччиқ-чучугини, унинг тотли ва машаққатли кунларини бирга татиган, алломанинг севимли фарзандларининг онаси — Талъатхон ая ўз ёстиқдошларининг муборак 90 йиллигини меҳрибон жигарбандлари даврасида қаршиламоқдалар.

Биз шунга аминмизки, Иброҳим Мўминовнинг фарзандлари, сулолалари ва, хусусан, алломанинг силсиласи — маънавий издошлари у киши умрини бағишлаган олижаноб ишларни давом эттирадилар. Зеро, Иброҳим Мўминов ва унинг мероси юртимизнинг мустақилликка эришуви боис ўз ўрни ҳамда аҳамиятига эга бўлди. Модомки, шундай экан, демак, алломанинг руҳи-покини шод айлаш, жумладан, ушбу меросга ҳам таяниб, миллий истиқлолнинг маънавий негизларини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Шулар ҳақида фикр юритар экансан, юртбошимиз — Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари беихтиёр ҳаёлингга келади: «Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ

хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир»¹. Мамлакатимиз йўлбошчисининг кейинги фикри эса, юқорида айтилганларни ривожлантириб, моҳият эътибори билан, аллома Иброҳим Мўминов хусусида ҳам айтилгандек туюлади: «Ўтганларни эслаш—халқимизнинг энг эзгу одатларидан бири. Бугунги замоннинг баҳосини бериш учун, авваламбор, кечаги кунга—ўтмишга нисбатан қандай муносабатда эканлигимизга баҳо бериш керак. Ўтмишга нисбатан ношукурлик, онкўрлик, беписандлик — халқимизнинг, миллатимизнинг табиати-га зид»².

Дарҳақиқат, халқимизда кишининг зотини, хусусан, унинг силсиласи—маънавий илдизлари, сарчашмаларини суриштириш одати бор. Бунинг, фикримизча, камида иккита чуқур сабаби бор. *Биринчиси* — тун кетидан кун келади, бугун кечаги куннинг давомидир. Ўзликни англаш — қаердан келинаётганликни ҳисобга олишни, бугунги кунга баҳо беришни тақозо этади ва у, ўз навбатида, қайси мақсадларни кўзланаётганликнинг асосий шартин ҳамда уларга самарали эришишнинг бош кафолатидир. *Иккинчиси* — биз бугун кечаги кунга қандай муносабатда бўлсак, эртага бизни ҳам худди шундай қисмат кутади ва бундан асло қочиб, қутилиб бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Иброҳим Мўминов таваллудининг 90 йиллик табаррук санасини нишонлаш — Ватанимизнинг атоқли олим руҳи олдида фақат таъзим бажо келтиришдангина иборат бўлмай, айти пайтда, унинг хизматларини муносиб баҳолаш, узоқ ва яқин тарихимизга, ўтмишимизга, илмий, маънавий қадриятларимизга, ҳозирги мустақиллик ҳамда у туфайли эришилажак нурли келажагимизга нисбатан муайян муносабат, ҳурмат, ишончининг ўзига хос ифодасидир.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Асарлар тўплами. 1-т. Тошкент, 1996. 81-бет.

² Уша манба, 86-бет.

Х. ЗИЕВ

АМИР ТЕМУРНИ «ОҚЛАШДА» ИБРОҲИМ МЎМИНОВНИНГ РОЛИ

Шўро даврида ҳукм сурган ниҳоятда хавфли ва қалтис вақтлардаёқ И. Мўминов томонидан Амир Темурга ижобий баҳо берилиши бутун жамоа аҳлини «ларзага» солгани ҳамон эсимда. Мени назаримда, ўша кезларда мазлум халқнинг бир оз бўлса-да кўкрагига шамол ва елкасига офтоб теккандай бўлди. Одамларда Амир Темур билан гурурланиш туйғулари кўзга ташланди. Бу ҳолат уларда ўз-ўзини англашни ва миллий ҳис-туйғуларнинг ўсишида муҳим ўрин эгаллаганининг гувоҳиман.

Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур бўйича ёзган иши қуйидаги тарзда амалга оширилган эди.

Кунларнинг бирида Иброҳим Мўминов мени ўз ҳузурига чақириб деди: «— Энди тарихий шахсларнинг фаолиятини, биринчи навбатда, Амир Темурни ўрганиш зарурияти туғилди. Бу масала бўйича институтда қандай ишлар қилинган?

— Афсуски, ҳеч нарса қилинмаган, биласиз, бундай масалани режалаштиришнинг имкони йўқ, рухсат берилмайди.

— Ҳамидулла! Қачонгача ўз Ватанига ва халқига фидокорона хизмат қилган давлат арбоблари қораланади. Сизга топшириқ шуки, Амир Темур ва темурийлар даври бўйича мутахассислар билан Амир Темур ҳақида илмий иш ёзишни гаплашинг. Қўрқманглар, ёрдам берамиз ва қувватлаймиз.

Бир неча тарихчилар билан суҳбатлашдим, лекин бирор киши Амир Темур ҳақида иш ёзишга розилик билдирмади.

Марҳум академик Яҳё ака эса менга шундай деди:

— Ҳамидулла, мен жон деб шу ишни қилардим, лекин менда қанд ва кўз касаллигининг зўрайиши сабабли имконим йўқ. Агар кимки бу ишни қилса ёрдамимни аямайман. Бир гапни ҳар эҳтимолга қарши айтай: Амир Темурга ижобий баҳо берсак ҳаммамизни айблашлари мумкин. Менинг учун буни ҳеч қандай хавфи йўқ, чунки акам «халқ душмани» дейилиб отилгандан кейин «қорахатга» тушганман. Бордию бизларни айблашса, Иброҳим Мўминовични Шароф Рашидов қудаси бўлганлиги учун ҳимоя қилиши мумкин. Бошқа одамларни ким ҳимоясига олади? Масалан шахсан сизни ким балодан қутқара олади?

— Яҳё ака, мен ўзим асли урушда ўлиб кетадиган одам эдим, лекин эсон-омон қолиб шу даражага етдим. Сийловга қолган умримни тарих фани учун қурбон қилишга розиман — дедим.

— Ҳамма нарсани тушуниб турибман, лекин сизни синаб кўрай, деган эдим. Сиз ўзингиз таълаган тўғри йўлдан кетаверинг, асло қўрқманг. Мен Иброҳим акага Амир Темур ҳақида иш ёзишга розилик берган бирорта ҳам тарихчини топа олмаганимни маълум қилдим. Бир неча дақиқа Иброҳим аканинг ранги оқариб ва жаҳли чиқиб деди.

— Наҳотки тарихчиларни орасидан бирорта ҳам хўроз топилмаса, бу жуда уятку ахир.

— Аввало, ўрта аср тарихи бўйича мутахассислар жуда оз, олимлар эса шўро даври тарихини ўрганишга жалб этилган.

Кўп ўтмай Иброҳим ака Амир Темур фаолиятини шахсан ўзи ёзишга аҳд қилганлигини маълум қилди. Бу мени ва бошқа олимларни ҳайратлантирди. Чунки Иброҳим ака партиянинг ғоявий сиёсатини бош раҳбари, депутат ва давлатнинг энг ишончли кишиларидан бўла туриб, тинимсиз қораланаётган Амир Темурни ўрганишга жазм этиши ғалати бир ҳодиса бўлиб кўринди. Ҳатто бунга Шароф Рашидовдан рухсат бўлганми ёки йўқми, деган фикрлар бўлган. Менимча, Иброҳим аканинг ватанпарварлиги, мардлиги ва жасорати устун келган эди. У бир неча ой давомида манбаларни қунт билан ўрганиб ва умумлаштириб ишни ниҳоясига етказди. Бу иш бўйича тақризларни ва унинг муҳокамасини уюштириш менга топширилди. Гарчанд иш билан таънишган олимларда у яхши таассурот қолдирган бўлсада, тақризни ёзма равишда олиш қийин бўлди. Чунки оқибати яхши бўлмаслигидан хавотирланувчилар оз эмас эди.

И. Мўминовнинг иши тор доирада бир неча маротаба муҳокама қилинди. Бир йиғилишда тақризчилардан бири ундаги «Темурни Ўрта Осиё халқлари ҳурмат қилардилар» деган жумлани олиб ташлашни таклиф этди. Шунда И. Мўминов, худди мана шуни кўрсатиш учун ишни ёздим, дегани эсимда.

Иброҳим ака ўзаро суҳбатда ишни қайси доирада муҳокама қилиш ҳақида фикр сўраганида Президиумнинг Тарихшунослик, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг кенгайтирилган йиғилишида ўтказилса, яхши бўларди — дедим. Иброҳим ака бу фикрни аввал маъқул топган бўлсада, лекин кейин Ўзбекистон ФА Президиумининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинишини билдирди.

Ниҳоят 1968 йил 5 май соат 10 да Академиянинг биринчи қаватидаги кичик залда президиумнинг кенгаши очилди. Аммо бу йиғинга келаётган кишиларнинг ранги ўчган ва кайфияти паст бўлиб, кўзларида хавотирлик ва қўрқув аломатлари яққол кўзга ташланиб турарди. Шу тарзда О. С. Содиқов ҳам кириб келди. Кетма-кет академиклар: А. М. Музаффаров, В. Қобулов, С. Н. Рижов, Е. Қ. Тўрақулов, М. Н. Набиев, С. Х. Сирождинов, М. Т. Ойбек, Я. Ғуломов,

П. В. Щеглов, ЎзФА мухбир аъзолари: М. З. Ҳамидхонов, М. К. Нурмухамедов, Ш. З. Уразаев, О. Э. Эшонов, М. И. Йўлдошев, Р. Х. Аминова, Ю. С. Султонов; фан докторлари: М. М. Хайруллаев, А. А. Аъзамхўжаев, В. Б. Лунин, Х. Ш. Иноятлов, Ҳ. С. Сулаймонов, Х. Т. Зарифов, А. Ҳ. Ҳайитметов, Л. И. Ремпель, Г. А. Пугаченкова, Э. Фозилов, Т. Р. Рашидов, О. Д. Чехович, Ф. Абдуллаев; фан номзодлари: М. О. Охунова, С. А. Азимжонова, У. Каримов, Қ. Муниров, К. К. Комилов, А. Т. Муҳаммадҷонон, А. У. Ўринбоев, С. Мирҳосилов, А. А. Асқаров ва бошқалар қириб келишди.

О. С. Содиқов маъюслик ва эҳтиётлик билан кенгашни очиб, маъруза учун сўзни Иброҳим акага берди. Бу киши ўзига тўла ишонган ва мардонавор ҳолда Амир Темур фаолиятини бирма-бир шарҳлаб уни машҳур давлат арбоби, моҳир лашкарбоши ва тараққийпарвар шахс сифатида таърифлади. Маъруза вақтида шу даражада жимжитлик ҳукм сурар эдики, агар пашша учса билинар эди.

Музокарада Иброҳим акани ёқлаб Я. Ғуломов, Ҳ. Зиёев, О. Э. Эшонов, Ш. З. Уразаев, Ҳ. С. Сулаймонов, Б. В. Лунин, Л. И. Ремпель, Г. А. Пугаченкова, М. Хайруллаев, М. К. Нурмухамедов, Р. Муқминова ва Х. Ш. Иноятловлар сўзга чиқдилар.

Кенгаш бир оғиздан Иброҳим аканинг ишини чоп этиш ҳақида қарор қабул қилди. Шундан кейин қатнашчиларнинг юзидаги қўрқув ва ҳавотирлик аломатлари янада кучайди ва зал бир зумда бўшаб қолган эди. Мен Отабой ака Эшонов билан Яҳё акани хонасига бир пиёла чой ичишга кирдик. Уччаламиз анча ҳаяжонланган ҳолда бир-биримизни табрикладик. Яҳё ака деди: — Хўш зўр иш бўлди, мен кенгаш жанжалга айланса керак, деб ўйлаган эдим. Менимча, кенгашни президиум доирасида ўтказилишини салобати босиб кетдики, ҳеч кимнинг дея олмади. Энди шуни айтиб қўяйки, иккалангиз ҳам «қора хатга» тушдингиз.

— Яҳё ака — деди Отабой ака — бугун қурбон бўлишга арзийдиган иш бўлди, қўлларидан қелса осмонга олиб чиқиб ерга ташлаб юборсинлар.

Чамаси бир соатлардан сўнг Иброҳим ака мени ҳузурига чақирди. У кишининг ранглари қизарган ва кўзларидан нур ёғиб турарди, кайфияти баланд эди. Гапни очигини айтганда, мен Иброҳим акани бундай ҳолатда биринчи марта кўришим эди. У дарҳол ўрнидан туриб қўлини мен томон чўзиб кўришгандан сўнг катта муваффақият билан табриклади.

— Ҳамидулла — деди, Иброҳим ака — мени номимдан музокарада қатнашганларга яна бир бор миннатдорчилик билдиринг, йўниқса Яҳё Ғуломовдан хурсандлигимни айтинг. Бугунги кенгаш — дедим мен — тарихга муҳим воқеа сифатида киради. Иброҳим ака эса:

— Ҳақиқатан ҳам, улуғ иш бўлди, бироқ бу фақат биз учун эмас, балки кенгашда қатнашган химиклар, математиклар, биологлар, ҳуқуқшунослар ва бошқа соҳа вакиллари учун ҳам қутлуғ кун бўлди. Буларни кенгашда қатнашиб бизни тарафимизда туриши катта мадад ҳисобланди. Кейинчалик Тарих институтида «Амир Темур ва темурийлар давлати тарихи» бўлимини ташкил қилиб, уни чуқур ва атрофлича ўрганамиз.

1968 йилда Иброҳим Мўминовни «Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» деган китоби ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. У кишининг ташаббуси ва бевосита иштирокида «Амир Темур тузуклари» ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари нашр қилинди. Шу равишда Иброҳим ака тарихни сохталаштиришга қарши биринчи бўлиб дадил ва ошкора бош кўтарган олим эди. Амир Темур ҳақидаги юқорида кўрсатилган ишларни нашр этилиши бутун республикага

лика зиёли аҳлини ва умуман, жамоа аҳлини тўлқинлантириб юборди. Кўчада кетаётганимда дуч келган таниш-билишлар табриклашиб, Иброҳим акадан ғоятда мамнун эканликларини изҳор қилардилар. Бундан ташқари, менга одамлар кетма-кет қўнғироқ қилишиб Иброҳим акага қойил қолганликларини билдиришар ва унинг китобини тоғиб беришни илтимос қилардилар. Тез кунда китоблар сотилиб кетди, аммо унга талаб кучаяверди. Шу боис мен Иброҳим акага китобни қайта нашр этишни сўрадим, лекин у киши сабр қилиб туришни айтди. Кўп ўтмай бир гуруҳ кишилар хусусан марҳум М. Ваҳобов, А. Абдураимов, Р. Набиевлар ва бошқалар Иброҳим акани Амир Темурни идеаллаштиришда танқид қилдилар. М. Ваҳобов фирқа фаоллари йиғилишларида ва бошқа жойларда Иброҳим акани қаттиқ танқид қилаверди. Марказнинг сиқуви остида юқорида кўрсатилган асарлар ҳибсга олинди. Натижада хатарли кунлар яқинлашаётганлиги кўзга ташланди. Мени ёки Яҳё аканинг хонасида Иброҳим акага қарши қилинаётган ҳужумни қай тарзда бартараф қилиш ҳақида фикр алмашиларди. Бунда О. Эшонов, М. К. Нўрмухамедов ва бошқа кишилар қатнашарди. Яҳё ака менга Иброҳим акани китобига тақриз ёзишни таклиф қилди. Иброҳим ака эса деди:— Ҳозир Амир Темур ҳақидаги китобдан фақатгина Ўзбекистондагина эмас, балки Москва ва бошқа жумҳуриятларда қаттиқ норози кишилар бор. Айниқса, Москвадаги бир гуруҳ олимлар тўполон қиляпти. Бу иш аланга оладиганга ўхшайди, тагин сиз жабрланиб қолманг. Иброҳим ака — дедим мен,— Кемага тушганининг жони бир деганларидек биргаликда курашамиз. Бу гапимни Яҳё ака тўла қувватлади. Шу билан суҳбат тугади. Бир ҳафтадан кейин ўша вақт газетасининг муҳаррири М. Қориевга тақризни топширганимда бир-икки кундан кейин қўнғироқ қилишни айтди. Қўнғироқ қилиб ижобий жавоб олдим.

Дарҳақиқат, Иброҳим ака айтганларидек, китобга қарши ҳаракатлар авжига миниб борди. Москвада «Фан» бўлими ташаббуси билан республикалар тарихчиларини йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилишда Тарих институтининг директори М. Охунова ҳам қатнашган эди. У Тошкентга қайтгандан кейин менга деди:— йиғилишда академик Б. Ғафуров Ўзбекистонда Амир Темур кўкларга кўтарилиб Ватан қаҳрамонига айлантирилди—деб гапирибди. Шунингдек, у Шароф Рашидовга телефон орқали бундан ўзини норозилигини билдирганлигини маълум қилибди. Шу кезларда залда ўтирганларнинг орасида ғала-ғовур бошланиб қаттиқ чоралар кўриш ҳақида луқмалар ташланибди. Биласизки—деди сўзини давом эттириб Мели Охунова,— Иброҳим Мўминовични саломатлиги яхши эмас, мен бор гапни айтсам оғирлашиб қолишлари мумкин. Шунинг учун сиз ётиғи билан тушунтирсангиз яхши бўларди.

Мен бунга рози бўлиб Иброҳим акага умумий тарзда маълум қилганимда, айтинг Мелихон буёққа чиқсин — дедилар.

Мелихон Охунова у кишини ҳузурида бўлганидан кейин мени чақирди. Қирсам кўзи ёшланган, ҳаяжонланган ҳолда ўтирибди. Ишқилиб охири,— деди Мелихон Охунова,— яхшилик билан тамом бўлсин. Иброҳим ака менга йиғилишда икки оғиз гапирганингизда жуда ўринли бўларди, деб хафа бўлди. Ахир ўзингиз ўйланг, мен шўро даври бўйича мутахассис бўла туриб қанақасига Амир Темур масаласи бўйича сўзга чиқишим мумкин эди.

— Гапингиз тўғри, лекин институт раҳбари сифатида умумий тарзда сўзга чиқсангиз яхши бўлар эди,— дедим.

— Ким билади дейсиз, ҳаёлда йўқ нарса тўсатдан гапирилгандан кейин ўзимни йўқотиб қўйдим, шекилли — деди Мелихон опа.

Хуллас, борган сари Иброҳим акага ҳужум зўрайиб борди. Чунончи А. П. Новосельцевнинг «Вопросы истории» журналида (Моск-

ва; 1973, № 2), «Литературная» газетасида ва ниҳоят, ўзимиздан чиққан М. Абдураимовни «Вопросы истории» журналида (Москва, 1973, № 5) Иброҳим аканинг китобига қарши мақолалар чоп этилди. Уларда Иброҳим акани Амир Темурни идеаллаштиришда айблаб, қаттиқ қораладилар. Ваҳоланки, марҳум М. Абдураимов бир вақтлар ўзининг «Темур ва Тўхтамиш» номидаги номзодлик диссертациясида ва кейинроқ эълон қилинган бир мақоласида Амир Темурни Урта Осиё тарихида ижобий роль ўйнаганлигини кўрсатиб ўтган эди. Аммо ўзининг бу фикрини журнал редакциясидан яширган ҳолда, Иброҳим акани қаттиқ танқид ўқиға тутди. Мен дарҳол унга қарши мақола ёзиб Яҳё акага ва Иброҳим акага кўрсатдим. Улар мақолани маъқулладилар. Тахминан 2—3 кун ўтгандан кейин Иброҳим ака мени чақириб мақолани Шароф Рашидовнинг рухсатисиз юбормасликни тайинлади. Қўл ўтмай мени Шароф Рашидов қабул қилди. У кишига ҳам маъқул тушиб деди: «Кўриб турибсизки, Амир Темур масаласи бўйича кўтарилган норозилик авжига чиқди. Айтингчи, сиз ўз фикрингизда охиригача қаттиқ турасизми? Шароф Рашидов — дедим мен — уруш ветерани сифатида ҳар қандай шароитда ўз сўзимда турганман, бундан кейин ҳам шундай бўлишига ишонтираман.— Яхши ҳозироқ бу мақола ни журналга дарҳол юборинг.

— Борди-ю дедим мен — шу мақолани академиямизнинг журналида ёки бирорта газетада ҳам чоп эттирсак яхши бўлар эди.

— Бундай қилиш — деди Шароф Рашидов — «Оловга керосин» қуйиш билан тенгдир. Энг яхшиси Москвада ўша журналда чиққани ҳар жиҳатдан яхшидир. Мен Шароф Рашидов билан суҳбатлашгандан кейинги воқеалардан сўнг шуни англадимки, Иброҳим ака унинг роилиги билан иш юритган. Буни Соҳибқиронга бағишланган китобни цензурадан бемалол ўтиши ва зудлик билан чоп этилиши ҳам исботлайди.

Бир неча ойдан кейин журналга юборилган мақоламга жавоб олдим. Бу вақтда И. Мўминов оламдан ўтиб бўлган эди. Бунда журнал редакцияси М. Абдураимовни ўзининг Амир Темур ҳақидаги олдинги ижобий фикрини яширганликда айблаган. Бу хусусда журнал муҳаррирининг ўринбосари Красилников имзо чеккан ўша менга ёзган хатида шундай дейилган: «Абдураимов ўзининг Амир Темур ҳақидаги ижобий фикрларидан қайтганлигини ҳеч қачон ошқора маълум қилган эмас. Шу боис, бу масалага бағишланган адабиётларга танқидий баҳо беришга уни маънавий жиҳатдан ҳаққи йўқ эди, деб ўйлаймиз. Буни яна шу тасдиқлайдики, у ўзининг «XV—XVI асрларда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ривожланиши тарихидан» номли тўпламдаги асосан Амир Темурга бағишланган мақоласини тилга олмай, журналга Иброҳим Мўминовнинг ишини танқид қилиб мақола юборган. Ваҳоланки, унда М. Абдураимовни журналдаги мақоласига қарши фикрлар мавжуд эди». Буни редакция нотўғри қилинган иш деб тан олган бўлсада, лекин Иброҳим Мўминовнинг китобида Амир Темур буюк давлат арбоби ва моҳир лашкарбоши, фан ва маданият ҳомийси ҳамда қудратли шахс сифатида гавдалантирилганлиги қаттиқ қоралаб мақоламни босишдан бош тортди. Шунга қарамай, мен иккинчи марта уни чоп этилишини сўраб редакцияга мурожаат қилдим. Бироқ бу гал ҳам мақоламни чиқармасликларини маълум қилдилар.

Шубҳасиз, файласуф бўлган ҳолда тарихий мавзуга қўл уриб жасорат ва мардлик намунасини кўрсатган Иброҳим Мўминовни, умуман, тарих фанига муносабати қандай эди — деган савол туғилади. Бунга жавоб беришнинг зарурияти шундан иборатки, у кишининг фаолияти ҳозирги замон олимлари учун ҳам ўта ибратли ва фойдалидир.

Мен Иброҳим Мўминов билан 1955—56-йилларда, янги Тарих инс-

титутининг директори лавозимида ишлаганларида яқиндан танишганман. Мен у вақтларда институтнинг «Янги тарих» бўлимида катта илмий ходим сифатида ишлар эдим. Гапни очиғини айтганда, мутахассислиги файласуф бўлган кишини Тарих институтига бошлиқ қилиб тайинланиши бизда таажжуб туғдирган эди. Бироқ вақт ўтиши билан бу фикрни асосsizлигига шунчалик кўп ишонилди. Аввало, Иброҳим Мўминов ўзининг софдиллиги, ишбилармонлиги ва камтарлиги билан намоён бўлди. У айрим директорларга ўхшаб вақтларини кўпроқ бекорчилик билан ўтказадиган ва турли йўллар билан раҳбарни биқинига суқилиб кирадиган «содиқ» кишиларга эмас, балки ҳалол ва меҳнатсевар ходимларга таяниб иш юритарди. Натижада, анча ўпирилган Тарих институтида муҳим ўзгаришлар кўзга ташланди. Аммо кўп ўтмай Иброҳим Мўминов Ўзбекистон ФА вице-президенти вазифасига сайланди. Шундан кейин ҳам у одатдагидек Тарих институтига умумий раҳбар эмас, балки унинг ҳақиқий жонкуяри бўлди. У кишида фақат олимлик эмас, балки ватанпарварлик, ташкилотчилик, ишбилармонлик ва бағри кенглик сингари олий фазилатлар мавжуд эди. Айни бир пайтда Иброҳим Мўминов ўта камтарлиги ва мурувватлилиги билан ажралиб турар эди.

Иброҳим Мўминов ўзи эгаллаб турган лавозимини ниҳоятда муҳимлигини ва масъулиятлилигини яхши англаб ижтимоий фаннинг барча соҳаларини ривожлантириш учун тинимsiz ишлади.

Хуллас, Иброҳим аканинг хонаси, одатда бўлганидек, буйруқбозлик, дўқ-пўписа, майда-чуйда гаплар ва умуман, расмиятчилик ҳамда юзакичилик маконига эмас, балки том маънодаги илмий ижодхонага айланган эди. Бу ерда институт раҳбарларидан ташқари кўплаб бўлим мудирлари, илмий ходимлар, докторантлар, аспирантлар ва оддий кишилар бўлишиб ижодларига барака ва дардларига малҳам топганлар. У кишининг қабулхонасидан одам аримас эди. Булар бежиз бўлмаган албатта.

Иброҳим Мўминов Тарих институтининг ҳақиқий жонкуяри ва хомийси эди. У фан докторлари ва номзодларни тайёрлашни қаттиқ назоратга олиб, қўлидан келган барча билимини ва ёрдамини аямади.

Иброҳим Мўминовнинг бевосита раҳбарлигида тўрт жилдлик «Ўзбекистон тарихи»нинг учинчи нашри (1967) тайёрланди ва чоп этилди. Бу энг мураккаб ва оғир масалани амалга ошириш учун ўнлаб йирик олимлар жалб қилинди. Унинг ташаббуси билан Тарих институтида «Ўзбекистон ишчилар синфи тарихи» бўлими очилиб, унинг илмий раҳбарлигида бу масала бўйича уч жилдлик асар яратилди.

Унинг бевосита кўрсатмаси билан Тарих институтида «Ўзбекистон маданияти тарихи» бўлими очилди. Бу бўлимнинг зиммасига ўтмиш ва ҳозирги замон маданиятига оид барча соҳаларни ўрганиш ва оммалаштириш вазифаси юклатилди. Аммо Иброҳим Мўминов вафотидан кейин бу иш сусайиб кетди. Устоз қадимий ва ҳозирги замон шаҳарлар тарихини ўрганиш учун институтда «Шаҳарлар тарихи» бўлимини ташкил қилди. Бу бўлим Иброҳим Мўминов масъул муҳаррирлигида икки жилдли «Бухоро тарихи» ва «Хоразм тарихи» сингари китобларни чоп этди. Сўнгра Тошкент, Андижон, Қўқон ва бошқа шаҳарларни тарихига доир асарлар яратилди. Иброҳим ака туфайли Тарих институтида «Иккинчи жаҳон уруши тарихи», «Суғориш тарихи» ва «Тарихшунослик» бўлимлари юзага келиб кўплаб илмий ишлар қилинди.

Умумий хулоса шуки, Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги китобига қарши ҳужумлар ва уни бартараф қилиш ҳаракати 1969 йилдан то 1974 йилгача, яъни у кишининг вафотигача давом этди. Шу машаққатли йилларда олимнинг устидан марказга кўплаб имзосиз ва имзоли хатлар юборилди. Иброҳим акани, айниқса, адолатsizлик ва тухмат билан ёзилган хатлар соғлиғини ёмонлаштириб

юборди. Кунларнинг бирида Иброҳим ака менга деди:— Сиз кўрасиз ҳали шундай вақтлар келадики, Амир Темурни кўкларга кўтариб буюк шахс сифатида қадрлайдилар.

Буни қарангки, унинг пайғамбарона айтган сўзлари кўз ўнгимизда рўёбга чиқиб, Амир Темур мустақиллик ва эркинлик рамзи сифатида қадр-қиммати ўрнига қўйилди.

Иброҳим Мўминов самарали ва жанговор фаолияти билан ўзбек халқининг миллий ҳис-туйғуларини уйғотишда чинакам олимлик бурчини адо этган эди.

Эндиликда мустақиллик шарофати ила умум миллат манфаати учун жонини фидо айлаган Иброҳим Мўминовнинг орзу-ниятлари тўла рўёбга чиқди. Шубҳасиз бу билан унинг руҳи шод бўлди.

Ҳ. АЛИҚУЛОВ

И. МҶМИНОВ АСАРЛАРИДА XIV—XV АСРЛАРДАГИ МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ФИКРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИНИШИ

И. Мўминовнинг илмий мероси кўп қиррали бўлиб, у қадимги замондан шўролар даврининг 70-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Айниқса, олимнинг ижодида Темур ва Темурийлар даври ижтимоий-фалсафий фикрини таҳлили муҳим ўринни эгаллайди. Дарҳақиқат, И. Мўминов XIV—XV асрлар тарихи, маданияти, санъати, табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва ахлоқий фикрларига бағишлаб қатор рисоалар ва мақолалар ёзди, матбуот, телевидение ва радиода чиқишлар қилди.

И. Мўминовнинг эътиборини жалб қилган муаммолардан бири тасаввуф фалсафасидир. Мутафаккир ўзининг кўп тадқиқотларида бу масалага қайта-қайта тўхталади. Олим республикамизда биринчилар қаторида нақшбандийлик тариқатининг моҳиятини очиб беришга интилди. Маълумки, шўролар даврида тасаввуф фалсафасига, умуман олганда, салбий муносабатда бўлинди, унинг мистик ва таркидунёчилик томонлари танқид остига олинди, айни вақтда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти ва маънавият ривожигаги ўрни етарли равишда кўрсатиб берилмади. И. Мўминов ана шундай шароитда нақшбандийлик таълимотининг дунёвий масалаларга катта эътибор берганлигини, унда инсонпарварлик ва ахлоқий ғоялар кучли эканлигини исботлаб берди. Аллома Нақшбанднинг «Дил ба ёру, Даст ба кор» (Дилинг худода, қўлинг меҳнатда банд бўлсин) деган пурҳикмат иборасини келтирар экан, унинг таълимоти XIV—XV асрларда ва ундан кейинги даврларда Урта Осиё халқларининг ижтимоий ҳаётида, фалсафа ва адабиётни ривожланишида ижобий рол ўйнаганлигини айтди. «Нақшбандийлик,— деб ёзади И. Мўминов,— таркидунё қилишга, дунё ишларидан воз кечишга қарши чиқди, реал ҳаётнинг ноз-неъматларидан фойдаланиш тўғрисида маслаҳат берди ва меҳнат қилишга, билим олишга чақирди. Нақшбандийлик XIV аср шароитидаги маълум прогрессив аҳамияти ҳам шундан иборатдир, унинг бу ижобий томоғи Урта Осиё халқлари маданияти ҳамда адабиётининг ривожланишига таъсир кўрсатди»¹. Олим кейинги тадқиқотларида нақшбандийлик тариқати тўғрисидаги фикрларини янада ривожлантириб, уни

¹ Мўминов И. М. Танланган асарлар, 1-том. Тошкент, 1969, 40—41-бетлар.

янада чуқурроқ ўрганди, нақшбандийликнинг ғоявий илдиэлари ва келиб чиқиш сабабларини, Темурийлар давридаги илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги ролини холисона очиб ташлади. Ҳақиқатан ҳам, Баҳовуддин Нақшбанд инсон фақат диний маросимларни бажариш ва кечаю кундуз тоат-ибодат қилиш билан чекланмасдан, балки дилида худони жо қилгани ҳолда, ҳаётда фаол бўлишни, билим ва касб-ҳунар эгаллашни, ўзининг ҳалол меҳнати билан топган нознеъмат билан чекланишни, бойликка хирс қўймасликни, ҳалол ва пок бўлишни, бева-бечора ва мухтожларга ёрдам беришни, меҳрли, шафқатли бўлишни, тамагирлик, фирибгарлик, ёлғончилик, иккиюзламачиликка қарши аёвсиз кураш олиб боришни халқ орасида ташвиқ ва тарғиб қилди.

Республикамиз мустақилликка эришиб, дунёвий давлат барпо этаётган бир шароитда Баҳовуддин Нақшбанднинг айтган фикрлари, тасаввуфий ғоялари, панд-насиҳатлари, хулқ-одоб қондалари тўғрисидаги қарашларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Шу боисдан Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 660 йиллиги республикамызда кенг нишонланди, мақбараси таъмирланиб, зиёратгоҳ жойга айланди. И. Каримов маданий ва илмий меросимиз ҳақида фикр юритар экан, Баҳовуддин Нақшбандни ўтмишдаги буюк арбоблар қаторига қўйиши бежиз эмас. «Ўрта Осиё тарихида,— деб таъкидлайди Президентимиз,— сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум»².

Мустақиллик даврида Нақшбанднинг тасаввуфий қарашлари, инсонпарварлик ғоялари кенг кўламда ўрганила бошланди, мутасаввуф тўғрисидаги рисоалар, илмий тадқиқот ишлари кўплаб чоп этила бошлади. Буларнинг ҳаммасида атоқли файласуфимиз И. Мўминовнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

И. Мўминовнинг илмий меросида Алишер Навоий дунёқарашини тадқиқ қилиш муҳим ўрин эгаллайди.

Агар 1958 йилда чоп этилган «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари» номли монографиясида олим Навоий дунёқарашига жуда қисқа тўхталиб, унинг инсонни борлиққа муносабати ҳақида сўз юритган бўлса, 1959 йилда босилган «Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар» китобидаги кириш сўзида мутафаккирнинг пантеистик, гуманистик ва ахлоқий ғояларига ўз эътиборини қаратади. «Навоий,— деб таъкидлайди И. Мўминов,— XV асрдаги феодал Ўрта Осиё ва Яқин Шарқнинг илғор ижтимоий-фалсафий фикрнинг юқори чўққисига кўтарилди, унинг дунёқарашини пантеизмга асосланган эди»³. Олим талқинида, Навоий дунёвий ҳаёт ҳақида фикр юритади, кишиларни таркидунёчиликка чақирмай, табиат ва унинг сирларини билишга, дунёвий билимларни эгаллашга, маърифатли бўлишга чақиради. Аллома Навоийнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларини таҳлил этар экан, унинг, ўтмишнинг бошқа мутафаккирлари сингари, мукамал жамият, одил шоҳ тўғри-

² Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997. 190-бет.

³ Мўминов И. Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар. Тошкент, 1959. 21-бет.

сида ҳаёл қилганлигини, асарларида айниқса, «Садди Искандарий», «Маҳбубул қулуб», «Фарҳод ва Ширин» ва бошқаларда зolim подшоҳларнинг кирдикорларини очиб ташлаганлигини, халққа зулм ўтказётганлигини ёзади. Навоий рисолалари ахлоқий ғояларга бой бўлиб, у одамгарчилик, меҳнатсеварлик, одиллик, тўғрилиқ, вафодорлик, билимдонлик ва бошқа фазилатларни мақтаб, жоҳиллик, нодонлик, зolimлик, ёлғончилик, мунофиқлик, лаганбардорлик каби ярамас ва тубан иллатларни қоралади. И. Мўминов Навоий ижодининг ана шу томонларини моҳирлик билан очиб беради. Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини ўрганишда И. Мўминовнинг 1968 йил «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналида рус тилида босилган «Алишер Навоий — улуғ, мутафаккир-маърифатпарвар» (Алишер Навоий — великий мыслитель-просветитель) мақоласи муҳим аҳамиятга эга бўлди⁴.

Ушбу мақола буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан ёзилган бўлиб, муаллиф унда шоирнинг қомусий олим эканлигини, фаннинг кўп соҳасида ижод қилганлигини, асарларида дўстлик ва қардошлиқ, адолат ва тинчлик, севги ва садоқатни куйлаганлигини алоҳида таъкидлайди. Лекин аллома ушбу мақоласида кўпроқ Навоийнинг илм-фан равнақи ва маърифат йўлида қилган саъй-ҳаракатлари, улар ҳақида айтган қимматли фикрларини таҳлилга бағишлаган. И. Мўминов, энг аввало, Навоийнинг мактабда болаларни ўқитиш услубига танқидий ёндашганлигини, унда ўқувчилар диний китобларни қуруқ ёдлаш билан машғул бўлаётганлигини кўриб, уларга салбий муносабатда бўлганлигини ёзади. Дарҳақиқат, Навоий мактабларда кўпроқ машҳур шоирларнинг бадий асарларини ўқитиш тарафдори бўлади. Хусусан, Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Атторминг «Мантиқ-ут-тайр» рисолалари болалар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини айтади. Навоий, Мўминовнинг ёзишича, мактабларда дунёвий фанларни ўқитишга эътибор бериш зарурлигини, санъат ва адабиёт сирларини болаларга тушунтириш лозимлигини уқтиради.

Навоий илм-фаннинг жамиятда ва кишилар ҳаётида тутган ўрнини чуқур тушунган аллома эди. Шунинг учун у илм эгаллаш инсоннинг энг гўзал фазилатларидан эканлигини айтади. Айниқса, мутафаккир илмнинг амалий аҳамияти ҳақида гапириб уни мамлакат фаровонлиги учун хизмат қилдириш лозимлигини уқтиради. И. Мўминов Навоийнинг илм ва уни эгаллаш ҳақидаги фикрларини келтирар экан, энг аввало, унинг дунёвий фанлар билан шуғулланиш ҳақидаги фикрларига тўхталади. Навоий тиббиёт, жўғрофия, астрономия, тарих, фалсафа фанларини ўзлаштириш инсонни ҳаёти ва бахт-саодатга эришиш учун муҳим эканлигини ёзади.

Булардан ташқари, И. М. Мўминов «Абдураҳмон Жомий олим ва мутафаккир сифатида» номли мақоласида Жомийнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик қарашларини таҳлил қилади. У улуғ адибнинг «Хиродномайи Искандарий» ва «Мусиқа ҳақида рисола» китобларида келтирилган ғояларга ўз муносабатини билдиради.

Маълумки, Абдураҳмон Жомий ўзининг «Хиродномайи Искандарий» рисоласида мукамал жамоа манзарасини тасвирлайди. Унда ҳамма тенг бўлиб, бой ва камбағал, деган тушунча йўқ, тенглик ва фаровонлик ҳукм суради, одамлар юксак инсоний фазилатларга эга, уларга тамагирлик, очкўзлик ёт. Жомий бу асарида мукамал жамият ҳақида ўз орзу-истакларини изҳор қилади, жабр-зулм, ноҳақлик, адолатсизлик, жоҳиллик каби ярамас иллатларни қоралайди. И. Мў-

⁴ Муминов И. Избранные труды. Т. 2. Ташкент, 1970. С. 211—221.

минов Жомийнинг юқоридаги фикрларини таҳлил қилар экан, унинг ижтимоий-утопик қарашларини юқори баҳолайди.

Шунингдек, аллома Жомийни буюк мусиқашунос ва мусиқа назариётчиси сифатида талқин қилади. Бу бежис эмас. Зероки у XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда биринчилардан бўлиб мусиқа тарихи ва назарияси бўйича «Мусиқа ҳақида рисола»сини яратди. У Абу Наср Форобийнинг мусиқа соҳасидаги ғояларини ривожлантириб, мусиқага махсус фан сифатида қарайди, турли мусиқа атамалари, оҳанг ва товушлари, уларнинг вазифалари, инсон ҳиссиётига таъсири ҳақида сўз юритади. «Жомийнинг «Мусиқа ҳақида рисола»си— дейди И. Мўминов,— жаҳон мусиқа маданияти хазинасига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Жомийнинг «Мусиқа ҳақида рисола»сини ўрганмай туриб Урта Осиё ва Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари халқларининг мусиқа маданияти тарихини чуқур тушуниб бўлмайди»⁵.

Умуман олганда, И. М. Мўминов XIV—XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг тарихи, ижтимоий-фалсафий фикри, маданияти, адабиётини чуқур билган аллома эди. Уша даврнинг биронта йирик тарихчиси, табиатшуноси, файласуфи, шоири унинг диққат марказидан четда қолмаган.

И. Мўминовнинг Урта Осиё ижтимоий-фалсафий фикри тарихини тадқиқ қилишдаги улкан хизматларига тўхталар эканмиз, олимнинг шўролар даврида мураккаб бир шароитда яшаб ижод этганлигини асло унутмаслигимиз керак. У ўз даврининг синфий ва партиявий тамойилларига бўйсунишга мажбур эди. Лекин шунга қарамасдан, олим фалсафий меросимизни холисона тадқиқ қилишга, унинг бутун бойлигини кўрсатиб беришга, ўтмиш мутафаккирларининг инсонпарварлик ғоялари, улар асарларидаги миллийлик ва умуминсонийлик руҳи билан суғорилган қимматли фикрларни очиб беришга интилди. Шунинг учун ҳам олимнинг асарлари, улардаги ғоялар ҳозирги мустақиллик шароитида ҳам маънавийтимиз равнақиға ўз ҳиссасини қўшмоқда.

⁵ Муминов И. Избранные труды. Т. 2. С. 209.

Р. Н. НОСИРОВ, А. Ж. ШАРИПОВ

И. М. МҶМИНОВ АСАРЛАРИДА БЕРУНИЙНИНГ ТАБИЙ-ИЛМИЙ ВА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ ТАЛҚИНИ

И. М. Мўминов халқимиз фалсафий меросини дилдан жўшиб, ўзига хос жасорат билан тарғиб қила оладиган ва бунга бошқаларни ҳам жалб қила оладиган беқиёс инсон эди. У киши ўз олдиларига қўйилган долзарб муаммоларга, уларнинг моҳиятига алоҳида эътибор ва синчковлик билан қарар, муҳим жиҳатларини зукколик билан пайқаб олар, барчанинг ҳам қўлидан келавермайдиган тарзда умумлаштирар эди. Албатта, бундай фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш машаққатли меҳнат туфайли шаклланганлиги шубҳасиз.

И. Мўминов Абу Райҳон Берунийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларига мурожаат қилар экан, бундай даҳонинг Хоразм воҳасида пайдо бўлиши тасодифий эмаслигини ашъвий далиллар орқали очиб беришни муҳим деб топади. Хоразм воҳасида илм-фан ва маданият соҳаларида рўй берган юксалишнинг ҳақиқий омили умуман Урта Осиё ҳудудида юзага келган қулай сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардир.

Бундан ташқари, Урта Осиё ҳудудининг бошқа узоқ ва яқин минтақалар билан ўрнатилган турли соҳалардаги, жумладан, илм-фан, маданият соҳасидаги мустақкам алоқалар, маҳаллий маънавий анъана-

ларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, илмий тадқиқотларни амалга оширишга хомийлик қилиш, уларга эътиборни кучайтириш табиий фанларнинг тараққий этишига кучли ва самарали таъсир ўтказди.

Олим Берунийнинг қатор асарларида, жумладан, «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия» кабиларда илгари сурилган ажойиб ғояларни тилга олади. У мутафаккирнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»да қайд қилинган Қуёш нури ҳақидаги фикрига тўхталиб, бундай деб ёзади: «Берунийнинг бу сўзларида Қуёш ва унинг нурлари, ёруғлик ҳаракатининг тезлиги, Ер ва унинг қаъри ҳақида қанчадан-қанча муҳим фикрлари мутасаммашланган»¹. Аммо шу билан бирга у маҳалларда яшаган инсоннинг Қуёш, унинг нурлари, тузилиши ҳақидаги билим ва тасаввурлари жуда саёз эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади.

Шундай бир вазиятда оддий Ер—замин тўғрисида эмас, Қуёш ҳақида мулоҳаза юритишнинг ўзи илмий жасоратдан бошқа нарса эмас эди. Берунийнинг зийрак фикри, ўткир даҳоси Қуёш сирларини очишга имкон берди. Олим «Қуёш қайноқ, оловли жисм эканлигини, Қуёш нурлари ҳаракатидан тезроқ ҳаракат қиладиган нарса йўқлигини, у нур ҳаракатини фақат товуш ҳаракати билан таққослагандagina унинг тезлигини аниқлаш мумкинлигини уқтирган эди. Берунийнинг фикрича, Ер Қуёшдан олиб турадиган ҳарорат Қуёш нурларининг ўзида мавжуд. Қуёш ҳароратидан ташқари, Ернинг ўз ҳарорати ҳам бор, бу ҳарорат Ер қаъридаги сиқилган иссиқликдан ҳосил бўлиб, юзага чиққанда Қуёш нурлари ҳароратига қўшилади»².

И. Мўминов Берунийга хос жиҳат—тадқиқ этилаётган илмий мавзуга ҳар томонлама ёндашиш, объектни турли вазиятда, конкрет макон ва замонда ўрганиш, унинг муҳим ва эътиборли хосса-хусусиятлари, белги-аломатларини назардан узоқлаштирмасдан, қизиқтирган нарса ва ҳодисани бир бутун, яхлит тарзда кузатиш каби тафаккур қиррасини алоҳида таъкидлаб ўтади. Дарҳақиқат, шундай. Масалан, «Минералогия»да маъдан ва металллар ҳақида сўз юритар экан, Беруний уларнинг таркиби, солиштирма оғирлиги, улар жойлашган жойлар, қазиб олиш усуллари, кишилар учун фойда-зарари, улар тўғрисида яшаб келаётган ривоятлар, бундай ривоятларнинг асл мақсади ҳақида батафсил мулоҳаза юритади. Беруний асарларида, жумладан, айрим мамлакатлар об-ҳавоси, дарё ва кўллари, дунёнинг кўп ўлкаларидаги ўсимликлар, табиий бойликлар ва бошқалар ҳақида турли-туман қимматли маълумотлар берилган³.

Олим Берунийнинг математика, геодезия, жуғрофия, геология соҳаларидаги ютуқлари тўғрисида гапирар экан, денгизларнинг пайдо бўлиши назарияси, қитъаларнинг кўчиши, силжиши ҳақидаги геотектоник ғоясини ҳам тилга олади. И. М. Мўминов миллий ифтихор туйғуси билан «Бизнинг замонамизда фан тарихи билан шуғулланувчи ҳар қандай мутахассис ўрта аср донишманди Абу Райҳон Беруний асарларини мутолаа қилар экан, уларда ғоят қимматли маълумотлар, ажойиб фикрлар, дадил тахминлар, гениал ғоялар борлигига тўла ишонч ҳосил қилади»⁴,— деб таъкидлайди.

Атоқли файласуф олим Берунийнинг табиий-илмий қарашларида яққол кўзга ташланиб турадиган хусусият дунёвий ва ғайритабиий эътиқодларни, фикр-мулоҳазаларни жоиз ва ножоиз қориштира бер-

¹ Мўминов И. М. Беруний — Буюк энциклопедист олим//Беруний ва ижтимоий фанлар. Тошкент, 1973. 2-бет.

² Мўминов И. М. Уша асар, ўша бет.

³ Уш жойда. 21-бет.

⁴ Мўминов И. М. Беруний фан тарихчиси//Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган тўплам. 17-бет.

маслик, уларни айнийлаштирмаслик борасидаги ғояларини ўта мамнуният билан изоҳлаб беради.

Шунингдек, шўъба мажлисларида ўзбекистонлик исломшунос, шарқшунос, адабиётшунос, тарихчи, манбашунос олимлар ҳам фаол қатнашдилар. Жумладан, муфти Абдурашид қори Баҳромов «Имом ал-Бухорий—муҳаддислар султони», Ислам тадқиқоти маркази директори, фалсафа фанлари доктори Маҳмудхўжа Нуритдинов «Мустақиллик ва маънавий мерос», ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Мавжуда Ражабова «Ҳадисларнинг мусулмон жиноят ҳуқуқи манбаи сифатидаги ўрни», филология фанлари номзоди Эргаш Очиллов «Ҳадисларнинг шеърӣ талқини», фалсафа фанлари доктори Роиқ Баҳодиров «Имом ал-Бухорий ва Ҳадис илми», ЎзР ФА муҳбир аъзоси Бахтиёр Назаров «Имом ал-Бухорийнинг шеърӣятга муносабати» каби мавзулардаги кенг қамровли маърузалар анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг, мазкур Халқаро конференциянинг якуний ялпи мажлиси иши яна «Афросиёб» меҳмонхонасининг катта мажлислар залида давом эттирилди. Унда таниқли шарқшунос олим Убайдулла Уватов «Имом ал-Бухорий ва ҳадисшунослик» мавзусида сермазмун маъруза қилди.

Барча шўъбалар иши юзасидан қилинган баҳс ва мунозаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Шарофиддин Мирмахмудов Халқаро конференция ўз ишини яқунлаганлигини эълон қилди.

Ҳаммаси бўлиб Халқаро конференцияда 30 дан ортиқ матруза тингланди. Шуларнинг асосий қисми ҳорижий олимлар томонидан қилинди.

Халқаро конференция қатнашчилари юбилейга бағишланган тантаналарда ҳам иштирок этдилар. Меҳмонлар Имом ал-Бухорий мажмуи жойлашган Самарқанд вилояти Челақ туманидаги Ҳартанг қишлоғига йўл олдилар. Масжид мажмуи дарвозаси олдида муҳтарам меҳмонларни Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий А. Баҳромов, Самарқанд вилояти имом-хатиби Мустафо Маликзода, Челақ тумани ҳокими Ш. Шукуров ва бошқалар кутиб олдилар. Бу муҳташам масжид-мажмуа очилиши муносабати билан хайр-эҳсон оши берилди. Зиёратга келган мўмин-мусулмонлар жума номозини ўқидилар.

Имом ал-Бухорий мақбараси мажмуининг очилиш маросимини Самарқанд вилоятини имом-хатиби М. Маликзода очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримовга берилди. Республикамиз раҳбари ўз нутқида ҳадис илмининг султони, Ислоҳ дунёсида беназир даҳо — Имом Исмоил ал-Бухорий юбилейи муносабати билан барпо этилган бу ёдгорлик оламшумул воқеа бўлганлигини таъкидлади. Келажакда эса бу макон ислоҳ аҳли учун муқаддас қадамжо ва ғоят гўзал зиёратгоҳлардан бирига айланишига ишонч билдирди.

Шунингдек, тантанада Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий А. Баҳромов, самарқандлик наққош уста Сайидали Мирзаев, қўқонлик ўймакор уста Абдуғани Абдуллаев, Маккадан ташриф буюрган меҳмон Сафоҳон Жалолхонтўра, Қувайт вақф ва диний ишлар вазири Аҳмад Халид Кулайб ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Тантанали маросим яқунланганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримов ва бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар Имом ал-Бухорий мақбараси мажмуини зиёрат қилишди.

* * *

24 октябрь кун юбилейга ташриф буюрган ҳорижий меҳмонлар, республикамиз вилоятлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар юбилей гадбирлари ўтказилган Фарғона шаҳрининг муҳташам театр биносига тўпландилар. Бу ерда «Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тугган ўрни» мавзусидаги Халқаро илмий конференция ўз ишини бошлади. Уни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президенти, академик Т. Ж. Жўраев кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди. Фарғона вилоят ҳокими Р. Мўминов Халқаро конференция қатнашчиларини, барча ватандошларимизни буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний юбилейи билан қизғин табриклади ва Халқаро конференция ишига муваффақиятлар тилади.

Мазкур конференциянинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 ноябрдаги «Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори билан кенг миқёсда нишонланиши халқимиз даҳосининг тимсолига айланган улуғ боболаримиз муборак номларини қайта тиклаш, аждоқларга эҳтиром, ўтмиш меросга янгича ёндашув, миллий онг, миллий ғурур ва ўзликнинг уйғонишидан, қадриятлар тикланаётганлигидан далолатдир.

Қарор қабул қилингандан сўнг мамлакатимизда бу қутлуғ тўйга кенг кўламадаги тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу сананинг жаҳондаги энг нуфузли ташкилот бўлган ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда нишонланиши Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросини ўрганиш борасидаги янги изланишларга йўл очиб берди. Юбилейга тайёргарлик жараёнида Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг даври ҳақида кўпгина янги манбаларга асосланган мақолаларни, қўлёзма манбаларнинг нусхаларини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Жумладан, мазкур қўлёзма-лардан бири Аҳмад ал-Фарғонийнинг Бағдоддаги илмий мактабдаги фаолияти ҳусусида янги маълумотлар беради. Шу билан бирга, алломанинг асарлари ўз Ватанида биринчи марта ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. Шунингдек, аллома тўғрисида ҳам кўплаб асарлар ҳамда ўзбек, рус ва инглиз тилларида конференция материаллари чоп этилди.

Мазкур Халқаро конференция ялпи мажлисида ЎзР ФА Астрономия институти директори Ш. А. Эгамбердиевнинг «Аҳмад ал-Фарғонийнинг дунё фани тараққиётидаги ўрни» ва Америка Қушма Штатларидан профессор Ж. Салибанинг «Ал-Фарғоний ва мусулмон астрономиясининг шаклланиши» мавзусидаги кенг қамровли маърузалари тингловчилар томонидан зўр мамнуният билан қабул қилинди.

Сўнг анжуман ўз ишини уч шўъбага бўлинган ҳолда давом эттирди. Конференция қатнашчилари «Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий мероси», «Аҳмад ал-Фарғоний ва дунё астрономияси» ҳамда «Аҳмад ал-Фарғоний ва амалий фанлар ривожини» каби мавзулардаги шўъбаларда иш олиб бордилар.

Шўъба мажлисларида ҳиндистонлик Р. Ансорий «Ал-Фарғоний астрономик илмий меросининг ўз даври ва ундан кейинги аҳамияти (ал-Фарғонийнинг Ҳиндистон кутубхоналарида мавжуд ноёб жадвали асосида)»; франциялик Р. Рашод «Аҳмад

ал-Фарғонийнинг математик усуллари» ва Р. Морелон «Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Астрономия элементлари» китоби»; россиялик Н. Сергеева ва М. Рожанская «Ал-Фарғонийнинг «Устурлоб қуриш ҳақида» китобида стереографик проекция»; чехиялик И. Бечка «XIV—XV асрларда Чехиядаги ал-Фарғоний ва бошқа оснелик олимлар асарлари»; мисрлик Ҳалифа Хасан «Ал-Фарғонийнинг «Усул илм ан-Нуҷум» асарининг ибри тилига таржимаси» ва Ихоб Аҳмад Иброҳим «Ал-Фарғоний ва унинг иншоот муҳандислигига қўшган ҳиссаси»; швейцариялик Ж. Сезиано «Муъжизакор квадратлар тўғрисида»; корейлик Енг Хи Канг «Қорея астрономияси; қадимда, бугун ва келажакда»; хитойлик Ли Кибин ва Ли Бинг «Танг сулоласи даврида Хитой астрономиясининг айрим ютуқлари (618—898)»; эронлик А. Ажабширзода «Насриддин Тусийнинг Марагадаги расадхонаси»; олмониялик Л. Рихтер—Бернбург «Нилдан Яксартгача: Птолемей жўғрофиясига Аҳмад ал-Фарғоний шарҳи» каби кўплаб мавзуларда сермазмун маърузалар қилдилар, Туркиядаги Анқара университетининг профессори Исни Кахиянинг «Агар... ал-Фарғоний кашфиётлари яратилмаганида жўғрофия хариталарининг тизими бу қадар тиниқлик ва мукамаллик касб этмас эди» дея бизнинг буюк боболаримиз хизматларига, жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаларига берган юксак баҳолари конференция қатнашчиларини, айниқса, унинг ватандошлари — бизларни ниҳоятда қувонтирди.

Шунингдек, шўба мажлисларида ўзбекистонлик астроном, математик, файласуф, тарихчи, археолог олимлари ҳам ўз маърузалари билан фаол қатнашдилар. Жумладан, Омонулла Файзуллаевнинг «Ал-Фарғоний космографияси ва замонавий космогония» ва бошқа шу каби мавзулардаги маърузалари анжуман қатнашчиларига ҳавола этилди.

Қирққа яқин ҳорижий мамлакатлар ҳамда республикамиздан ташриф буюрган олимлардан йигирма нафари аллома илмий кашфиётлари Шарқ уйғонишининг ибтидоси бўлганлигини, унинг мероси Беруний ва Улуғбек каби даҳолар етишиб чиқиши учун пойдевор яратганлигини таъжидладилар.

Конференция қатнашчилари юбилейга бағишланган тантаналарда иштирок этдилар. Мазкур тантаналарда иштирок этиш учун мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Қаримов Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Республикамиз раҳбари ва юбилей қатнашчилари Қува шаҳрида бўлиб, буюк бобокалонимиз руҳига Қуръон тиловат қилдилар, Эл-юртга хотира оши тортилди.

Шундан сўнг анжуманининг барча иштирокчилари Қува Шаҳристон мажмуи билан яқиндан танишиб, бу ерда УЭР ФА Архология институти олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида топилган археологик топилмалар: кўп асрлик тарихга эга жиҳозлар, уй-рўзғор буюмлари, ҳунармандчилик намуналарини кўздан кечирдилар. Қўҳна Қуванинг Шаҳристонда барпо этилган этнографик музей ва Аҳмад ал-Фарғоний ёдгорлиги умумийлиги маданиятнимизда ҳам муҳим ҳодиса бўлиб қолиши шубҳасиз. Зеро, ўрта асрлар манзарасини ёдга солувчи қалъа деворлари, Фарғона водийси тарихининг энг кўҳна даврларидан тортиб, ҳозирги кунигача бўлган кўринишларини ифодаловчи экспонатлар нафақат тарихчилар, балки миллий қадриятларимизни қадрловчи ҳар бир киши қалбида фахр-ифтихор уйғотади.

Давлатимиз раҳбари Шаҳристон майдонидаги Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали пойига гул қўйди. Шу ерда Ислоҳ Қаримов журналистлар саволларига жавоб бериб, жумладан шундай деди: «Тарихий илдиэларимизни, бизга мадад берадиган аждоқларимизни билмасдан туриб, ўзлигимизни англай олмаймиз. Шу боис, мана шу тупроқда вояга етган улуғ сиймоларнинг унутилаёган номларини тиклаш муҳим аҳамиятга эга».

Республикамиз Президенти майдонга йиғилган қуваликлар билан суҳбатлашиб, нуроний отахонлар дуосини олди.

Шу кунги Фарғона шаҳридаги аллома номи билан аталувчи оромгоҳда Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Оромгоҳга кирган одам ҳайратдан «боғ эмас, мўъжиза бўлибди!» деб юборади. Бу маскан бутунлай янгича манзара кашф этган. Қўркам хиёбонлардан ўтиб, Мустақиллик майдонига чиққан кишининг кўз ўнгида буюк олимнинг саккиз метрли маҳобатли ҳайкали, ҳайкал ортида эса ярим ой шаклида Аҳмад ал-Фарғонийни ўраб турган пурвиқор устунлар намойиш бўлади. Бобокалонимизнинг бу улуввор ҳайкали аллома ўз юртига қайтганлигини, қўлидаги «Осмон юлдузлари харитаси» эса унинг фаолияти илми юксак фалакка кўтарганлигини, ватандошларимизнинг алломага ҳурмати ни ифода этади.

Ҳайкал пойига юртбошимиз номидан гулчамбар қўйилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримов нутқ сўзлади. Юбилей тантаналарида юртбошимиз иштирок этиши ва салмоқли, мазмундор нутқ сўзлаши байрамга алоҳида фойз бағишлади. Бу Ўзбекистон давлати ва ҳукумати томонидан бой маданий меросимизга, халқ қадриятларига ва, айниқса, буюк аждоқларимиз хотирасига катта эътибор берилаётганлигининг ўзига хос намойишидир. Давлатимиз раҳбари бутун юртимиз аҳлини қутлуғ тантана билан муборакбод этди. Бу ерда ҳорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар номидан Халқаро астрономия жамияти Бош қотиби И. Андерсен нутқ сўзлаб, Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия ва математика оламидаги буюк хизматлари беқиёс эканлиги, у дунё фалакиёт илмининг асосчиси сифатида эътироф этилиши, шу боис ҳам ушбу тантаналарда дунёдаги жуда кўп мамлакатлардан соҳа олимларининг иштирок этаётганлиги ҳам бу буюк олим илмий мероси-

нинг қанчалик аҳамиятли эканлигидан далолат беришини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, тантаналарда фарғоналиклар ҳам сўзга чиқдилар.

Шу кун ичун кечқурун байрамга дунёнинг турли бурчақларидан ташриф буюрган юзлаб меҳмонлар, республикамиз вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, вилоят жамоатчилиги буюк алломанинг қутлуғ тўйи шарофати ила бутунлай ўзгача кўрку тароват касб этган Аҳмад ал-Фарғоний номидаги оромгоҳга тўпландилар. Республикаимизнинг таниқли санъаткорлари, вилоятлардан келган бадний жамоалар ўз чиқишларида халқимизнинг улуғ бобокалонимизга чексиз эҳтиромини изҳор этдилар. Байрам тантаналари ниҳоятда кўтаринки руҳда, шоду-хуррамлик билан ўтди. Театрлашган томоша мушакбозлик билан яқунланди. Байрам барча ватандошларимиз қалбида қарор топган тинчлик, осойишталикдан шукроналик, буюк аجدодларимиз билан фахрланиш, маънавияти бой, буюк алломалар юртининг фуқароси эканлигидан ғурурланиш туйғуларини зоҳир этди.

* * *

Халқимиз даҳосининг тимсолига айланган боболаримиз — Ислом оламининг буюк мутафаккири, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ҳамда қомусий олим, илм-фаннинг бугунги тараққиётига тамал тоши қўйган Аҳмад ал-Фарғонийларнинг муборак номларини янги шароитда яна бир бор қайтадан дунёга танитиш йўлида ўтказилаётган бундай тантаналар бобокалонларимиз таваллуд топган муқаддас заминда яшашган ҳар бир мўмин-мусулмонни, ёш авлодимизни бой маданий меросимизни қадрлашга, уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга, иймонли ва эътиқодли, ватанпарвар ва инсонпарвар, пок ва ҳалол, илм ва маърифатли бўлишга, азиз ва мўътабар юртимиз билан юрак-юракдан фахр-ифтихор қилишга, бой ўтмиш меросимиздан мадад ва ибрат олишга, ҳар бир инсонни эзгуликка, ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлашга ундайди.

Д. Б. Бобожонова

АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МҶМИНОВ ХОТИРАСИ

1998 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Республикаси И. М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида таниқли олим, зукко файласуф, ғамхўр устоз, ижтимоий-гуманитар фанларининг ҳақиқий жонқуяри академик И. М. Мўминов (1908—1974)нинг таваллудига 90 йил тўлиши муносабати билан илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжумани Ўзбекистон Республикаси ФА Президенти, академик Тўхтамурад Жўраев кириш сўзи билан очди. Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, фалсафа фанлари доктори А. М. Жалолов «Иброҳим Мўминов—аллома, арбоб ва шахс» мавзуда маъруза қилди.

Маърузачи олим илмий фаолиятининг асосий томонларига тўхталар экан, унинг ижодининг жўшқин даврлари мустабид тўзумнинг олим ва зиёлиларга таъқиби кучайган даврларга тўғри келганлигини таъкидлади. Лекин, шунга қарамаздан, И. М. Мўминов илмнинг қатор соҳаларида баракали ижод қилди. Айниқса, олимнинг Урта Осиё ва Хорижий Шарқ халқларининг ижтимоий-фалсафий фикри тарихини ўрганиш соҳасидаги хизматлари беқиёсдир. Аллома иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврлардан бошлаб, ҳали етарли тадқиқ қилинмаган, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Хоразмий, Беруний, Навоий, Машраб, Турди, Дониш, Фурқат, Муқимий ва бошқаларнинг фалсафий ва ижтимоий қарашларини ўргана бошлади, уларнинг рисоаларини чоп эттира бошлади, форс ва араб тилларидан таржима қилинишига бевосита раҳбарлик қилди. И. М. Мўминов илмда синфийлик, партиявийлик тамойилларига амал қилиш кучайганлигига қарамаздан, ўтмиш мутафаккирларнинг дунёқарашиндаги миллий ва умуминсоний қадриятларни очишга, илмий изланишларида ўзбек халқининг миллий арф-одатлари, расм-русумлари, маросимлари, маданияти, маънавияти ўзига хослигини холисона кўрсатишга интилди.

И. М. Мўминов кўзга кўринган давлат арбоби ва моҳир фан ташкилотчисидир. Олим 18 йил давомида Ўзбекистон Фанлар академиясида вице-президент лавозимида хизмат қилди. Ана шу йиллар мобайнида И. М. Мўминов моҳир фан ташкилотчиси, қомусий олим сифатида танилди, янги институтлар ташкил қилишга, уларнинг мавзу ва муаммоларини ишлаб чиқишга, илмий йўналишларни белгилашга раҳбарлик қилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти, ўзбек қомусининг ташкил қилиниши бевосита олим номи билан боғлиқдир. И. М. Мўминов фалсафа ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида кўплаб фан докторлари ва номзодларини етиштириб чиқарди, республикамиз маданияти ва маънавияти ривожига катта ҳисса қўшди.

Анжуманда сўзга чиққан ЎзР ФА академиги М. М. Хайруллаев, ЎзР ФА муҳбир аъзоси Ҳ. Раҳмонқулов, фалсафа фанлари доктори, профессор О. Файзуллаев, тарих фанлари доктори, профессор Ҳ. Зиёев, филология фанлари доктори, профессор Т. Мирзаев, ЎзР ФА муҳбири аъзоси О. Ҳикматов олим ижодининг серқирралиги, сермаҳсуллиги ҳақида гапирдилар, адабиёт, тарих, ҳуқуқшунослик, шарқшунослик ва

Илмнинг бошқа соҳаларига қўшган улкан ҳиссасини айтиб ўтдилар. Айниқса, олимнинг «Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» номли рисоласи Ватанимиз тарихида туб ўзгариш ясади. Ушбу китобда олим Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари, маданият, илм-фан, санъат, мамлакат ободончилиги ва равнақи соҳасидаги улкан ишлари ҳақида гапириб, Соҳибқирон ҳақида, унинг тўғрисида айтилган «қароқчи», «босқинчи» деган тухмат ва бўҳтонларга кескин қарши чиқди. Бу ўша даврда олим томонидан кўрсатилган ҳақиқий матонат ва илмий жасорат эди. Ана шундан сўнг алломага Москва, Душанбе ва Тошкентнинг баъзи-бир олимлари таъна тошлари ота бошладилар, уни миллатчиликда, тарихни сохталаштиришда айбладилар. И. Мўминов шўролар даврининг, мустабид тузумнинг қурбони бўлди.

Маърузачилар ҳозирги мустақиллик тузуми илм-фан, миллий маданият, мафкура ва маънавиятга кенг имконият яратиб берганлигини қайд қилиб, бунда ҳақиқий инсон, зукко аллома И. Мўминовнинг ҳам ҳиссаси катта эканлигини, унинг илмий мероси баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Анжуман охирида сўз олган олимнинг фарзанди тиббиёт фанлари доктори, профессор Акрам Мўминов отасига нисбатан кўрсатилган бундай ҳурмат-эътибор учун мазкур анжуман иштирокчилари, унинг ташкилотчилари ва маърузачиларга, бутун қариндош-уруғлари номидан миннатдорчилик билдирди.

Ф. Низомов

* * *

1998 йилнинг 26—27 ноябр кунлари Самарқандда СамДУ базасида ўзбек фалсафий мактабининг асосчиси, академик Иброҳим Мўминов таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб, «И. М. Мўминов ва истиқлол даври фалсафасининг долзарб муаммолари» мавзуда республика илмий анжумани бўлди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд вилоят, Самарқанд шаҳар, Боғишамол туман масъул ходимлари, шунингдек республикамизнинг барча бурчакларидан мутахассис олимлар иштирок этишди.

Анжуманни ЎзР ФАнинг академиги, Алишер Навоий номли СамДУ ректори Ж. С. Сатторов кириш сўзи билан очди.

Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари Х. Нурилласев ва Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фан ва иқтисодиёт бўлими бош бошқармаси бошлиғи Ш. О. Бўтаев анжуман иштирокчиларини табриқлашди.

Анжуманнинг ялпи мажлисида ЎзР ФАнинг академиги М. М. Хайруллаев ва профессор М. Қодировнинг «И. М. Мўминов миллий маънавият ва мустақиллик жарчиси»;

ЎзР ФА мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор С. Ш. Шермухамедовнинг «Қомусий олим»;

Фалсафа фанлари доктори, профессор Ш. Б. Саматовнинг «Мустақиллик даври фалсафасини яратишда И. М. Мўминов илмий меросининг аҳамияти»;

Фалсафа фанлари доктори, профессор А. А. Ахтамовнинг «Иброҳим Мўминов Самарқандда» мавзудидаги сермазмун маърузалари тингланди.

Икки кун давомида «Ўзбекистонда фалсафа фанини ривожлантиришда И. М. Мўминовнинг роли ва хизматлари»;

— И. М. Мўминовнинг илмий мероси ва Урта Осиё фалсафасини тадқиқ қилиш муаммолари»;

— «Мустақиллик ва фалсафа фанининг долзарб муаммолари»;

— «Истиқлол даври фалсафасини ўқитишнинг илмий-услубий муаммолари» деб номланган тўртта шўбага бўлинган ҳолда 42 та маъруза тингланди ва муҳокама қилинди.

Маърузаларда қомусий олим, захматкаш педагог, камтарин, юксак маънавият соҳиби бўлган улуғ инсон, фанмиз ва маданиятимиз фахри, фаннинг ҳақиқий ташкилотчиси бўлган И. М. Мўминовнинг кенг қамровли фаолиятига, унинг Ватан ва халқ олдидаги буюк хизматларига атрофлича баҳо берилди.

Анжуман материаллари (222 бет) алоҳида тўплам қилиб нашр этилди.

Анжуманда бир қатор аниқ тавсияномалар илгари сурилди. Жумладан: И. М. Мўминовни Амир Темур ордени билан мукофотлаш; ҳар йили «Мўминовхонлик»ни ташкил этиш; И. Мўминов жамғармасини ташкил этиш; «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» академик журнали зарварағида: «Журналга академик И. М. Мўминов асос солган»,— деган ёзувни киритиш; файласуф олимлар учун И. Мўминов мукофоти, талабалар учун эса И. Мўминов номли стипендия ташкил этиш; И. Мўминов илмий меросини чуқур ўрганишга алоҳида аҳамият беришлик қайд этилди.

Ш. Б. Саматов

НОВЫЕ КНИГИ

СВЕТ ИЗ ГЛУБИНЫ ВЕКОВ: ИМАМ АЛ-БУХАРИ¹

(Ташкент: Шарк, 1998. 142 с. + илл.)

В 1998 г. по решению Правительства Республики Узбекистан под эгидой ЮНЕСКО был широко отмечен 1225-летний юбилей выдающегося мыслителя, хадисоведа Абу Абдаллаха Мухаммада б. Исмаила ал-Бухари (810—870). Этой знаменательной дате были посвящены международная конференция (Самарканд, октябрь 1998 г.), издание целой серии научных публикаций и др.

К числу трудов, посвященных юбилею ал-Бухари, следует прежде всего отнести великолепно изданное, богато иллюстрированное фундаментальное издание «Свет из глубины веков: Имам ал-Бухари».

Опубликованный на пяти языках этот труд большого коллектива высококвалифицированных специалистов открывается предисловием Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова. Далее следуют краткие выдержки из решения Правительства Республики Узбекистан (апрель 1997 г.) и резолюции 29-й сессии Генеральной конференции ЮНЕСКО (ноябрь 1997 г.) о торжественном проведении юбилея ал-Бухари, а затем — краткое введение (с. 13—15), написанное доктором искусствоведения А. Хакимовым.

Книга состоит из четырех разделов и приложения.

В первом разделе: «Эпоха Имама ал-Бухари» (с. 18—35) — дается обобщающая характеристика Мавераннахра VIII—X вв., г. Бухары в период жизни ал-Бухари, а также история зарождения и развития хадисоведения (авторы — академики АН РУз Э. В. Ртвеладзе и Б. Ахмедов, доктора ист. наук Б. В. Лунин и Ш. Камалиддинов).

Во втором разделе (с. 38—58) освещаются жизнь и творчество Имама ал-Бухари (автор — канд. ист. наук У. Уватов).

В третьем разделе (с. 60—70) раскрывается роль ал-Бухари в развитии религиозных наук и правоведения на мусульманском Востоке (авторы — доктор ист. наук Р. Баходиров и А. Мансуров).

Четвертый раздел (с. 72—124) посвящен культуре и искусству Средней Азии эпохи ал-Бухари (авторы — доктора ист. наук А. Ахмедов, Р. Баходиров, доктора искусствоведения А. Хакимов, М. Кадыров, А. Назаров, канд. архитектуры М. Юсупова).

Общие итоги опубликованных в книге материалов подведены в кратком (с. 125—127) заключении (авторы — доктор ист. наук Б. В. Лунин, канд. ист. наук Н. Хабибуллаев).

В приложениях даны хроника основных событий в жизни и творчестве ал-Бухари (кандидаты ист. наук У. Уватов и Г. Н. Никитенко) и список примечаний к текстам опубликованных материалов.

Публикация этого коллективного труда, изданного на высоком художественном и полиграфическом уровне, явилась еще одним свидетельством глубокого уважения к памяти Имама ал-Бухари, чье бессмертное творчество вошло в сокровищницу общечеловеческой цивилизации. Научная значимость этой публикации определяется в первую очередь тем, что в ней впервые широко раскрыто величие наследия Имама ал-Бухари на фоне социально-политических событий и культурных процессов его эпохи.

А. С. Сагдуллаев

¹ Научные редакторы: Э. Ртвеладзе, Н. Хабибуллаев, А. Хакимов.

Т. Ш. ШИРИНОВ, Б. Х. МАТБАБАЕВ, Г. П. ИВАНОВ.

ГОРОД КУБО ВО ВРЕМЕНА АХМАДА АЛ-ФЕРГАНИ¹

(Ташкент: Фан, 1998. 88 с. На узб. яз.)

В 1998 г. по инициативе Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова было торжественно отмечено 1200-летие выдающегося ученого-астронома, талантливого инженера Абу-л-Аббаса Ахмада ибн Мухаммада ибн Касира ал-Фергани. Поскольку о жизни ученого сохранились очень скудные сведения, большое значение приобретают археологические исследования, проводимые на его родине, в Фергане. В этой связи следует отметить, что в 1998 г. к 1200-летию юбилею Ахмада ал-

¹ Отв. ред. акад. АН РУз Б. Ахмедов.

Фергани Издательство «Фан» выпустило на узбекском и английском языках книгу, посвященную археологическим исследованиям на городище Кува (древний Кубо) в Фергане.

Небольшая по объему (96 с.) книга хорошо иллюстрирована: 36 черно-белых фотографий, планов архитектурных реконструкций и 4 цветные таблицы с прекрасными образцами средневекового стекла.

Работа состоит из введения, трех глав, заключения и списка использованной литературы.

В предисловии, написанном акад. АН РУз Ахмедовым, отмечаются важность обращения к данной теме и вообще необходимость глубокого изучения многотысячелетней истории Узбекистана.

Во введении (с. 5—14) авторы дают краткую биографическую справку об Ахмаде ал-Фергани, его научных трудах и влиянии, которое оказали его идеи на последующие поколения ученых. Здесь же дан очерк политической ситуации в годы его жизни в Фергане.

Первая глава — «Возникновение и развитие городской культуры в Ферганской долине» (с. 15—26) — посвящена обзору археологических памятников городской культуры в Ферганской долине, прослеживаются динамика и этапы их развития. Авторы подчеркивают, что в целом города Ферганы имеют 2500—2700-летнюю историю, и выделяют несколько периодов:

1. Древние поселения городского типа или древнейшие города (конец II тыс. — начало I тыс. до н. э.).

2. Города архаического периода (VI—IV вв. до н. э.).

3. Города в античное время (IV в. до н. э. — IV в. н. э.).

4. Города в раннесредневековый период (V—VIII вв.).

5. Города средневековья и позднесредневекового периода (IX—XIX вв.).

6. Современные города.

Вторая глава — «Древний Кубо (Кува) — центр науки и культуры на караванных путях» (с. 27—71) — состоит из ряда подглав и разделов. В подглаве «Кубо в письменных источниках» (с. 27—30) рассматриваются этимология названия города и упоминания о нем в источниках. Авторы приводят традиционную версию перевода топонима Кубо с арабского как «купол», «высота» и новые версии. Так, молодые ферганские исследователи Н. Абдулахатов и Б. Хошимов предполагают доарабское название города, восходящее к иранскому «Кува» — «власть», «сила». С ним же они связывают упоминание в китайских источниках города Хумун. Другая гипотеза предложена Б. Матбабаевым, который связывает происхождение топонима с именем божества Кубо. Действительно, здесь могло существовать первоначально святилище божества, при котором сложилось поселение, получившее название по его имени. Пока вопрос остается открытым, но любопытные параллели обнаруживаются в топонимике Северного Кавказа. Это название знаменитого села Кубачи, р. Кубань и т. д.

Вторая подглава — «Археологическое изучение Кубо» (с. 30—56) — делится на шесть разделов. Вначале приводится история изучения Кувинского городища, где в 1956 г. под руководством акад. АН РУз Я. Г. Гулямова были проведены первые раскопки. В 50—60-е годы было начато изучение цитадели, шахристана, в рабаде раскопан буддийский храм VI—VIII вв. Далее работы на городище были возобновлены лишь в 1990 г. Но огромный вклад в его изучение был сделан благодаря широкому размаху археологических исследований в 1998 г., которые позволили проследить разновременную городскую застройку, уточнить стратиграфию, получить новые материалы по фортификации и исторической топографии города.

В небольшом разделе «Древнейший период города» (с. 34—35) отмечается, что на городище впервые выявлены материалы IV—II вв. до н. э. Сопоставив их с другими находками, авторы предполагают, что первоначальное поселенческое ядро города охватывало территорию арка и шахристана и не имело стен.

В разделе «Кубо (Кува) в средние века» (с. 35—36) суммируются археологические работы по этому периоду. В первой его части отмечается, что шахристан Кубо обретает свой окончательный вид в раннесредневековый период. Городские дома того времени отличались массивностью, ибо были сложены из толстых пахсовых стен и сырца.

В постарабский период город интенсивно развивается. Возникает традиционное для восточных городов трехчастное деление на арк (цитадель), шахристан (или мадину) и рабад. В разделе «Арк» (с. 36—38) отмечаются его топографическое положение в северо-восточном углу городища и довольно крупные размеры (2,7 га). По сообщениям средневековых авторов (ал-Истахри), здесь находилась красивая мечеть, но руины ее пока не обнаружены. В разделе «Шахристан» (с. 38—47) приводятся результаты его археологического обследования, которые показали, что внутренняя застройка города была плотной и делилась на кварталы по профессиональной принадлежности. Как полагают авторы, восточную часть города занимали стеклодувы, западную — гончары, специализировавшиеся на производстве сфероколузов. На участке городской застройки XI—XII вв. (Р-4) выявлены отрезок улицы длиной 20 м, шириной 2—2,5 м и прилегающие дома горожан. Обычно они состояли

из жилой комнаты, коридора и кладовой. Раздел богато проиллюстрирован фотографиями, планами раскопок и архитектурными реконструкциями, выполненными архитектором И. Азимовым. Здесь авторы подробно останавливаются на вопросах водоснабжения и численности городского населения. По их подсчетам, плотность его была различной: в шахристане она составляла 230—250 человек на 1 га, а в рабаде — лишь 50—60 человек. В X—XII вв. территорию рабада площадью 80 га населяло 4300 человек, а общая численность городского населения составляла 7,5—8 тыс. человек.

В разделе «Рабад» (с. 47—48) отмечается, что он охватывал шахристан с востока, юга и запада. В X в. роль его значительно возросла. Согласно сведениям ал-Истахри, он был обнесен оборонительной стеной; сюда же были перенесены административные здания.

В разделе «Городские оборонительные стены. Ворота» (с. 48—56) говорится о конструкции городских стен, этапах их возведения. Авторы отмечают связь их состояния с политической ситуацией в долине. Здесь же описываются результаты изучения городских ворот XI—XII вв. в юго-восточном углу шахристана.

Большая подглава «Ремесла» (с. 56—71) посвящена анализу основных городских ремесел, продукции гончаров, металлистов (кузнецов, литейщиков, чеканщиков) и стеклодувов. Этот раздел также богато иллюстрирован черно-белыми и цветными фотографиями изделий из керамики, металла и стекла.

В третьей главе — «Место и роль города Кубо в истории Центральной Азии» (с. 72—82) — характеризуется значимость города как крупного ремесленного и культурного центра на оживленном караванном пути. Отмечается, что в период раннего средневековья здесь уживались местные культы, зороастризм и буддизм. Показателен в этом плане буддийский храм. Хотя город находился на оживленной торговой трассе Кашгар—Фергана, храм был построен не для приезжих купцов, а рассчитан на местное население. И после утверждения ислама Кубо остается крупным религиозным и культурным центром, одним из столичных городов Ферганы. О довольно высокой грамотности местного населения свидетельствуют тюркские рунические и арабские надписи VI—VIII и X—XI вв. на бытовых предметах. Возможно, именно потому с этим местом и связана целая плеяда знаменитостей: Абу Наср ал-Кубави (переводчик с фарси книги Наршахи «История Бухары» в 1128 г.), Шамсул миллат ва-д-Дин Мухаммад бин Мухаммад ал-Кубави, Рукниддин Кубави и Ахмад ал-Фергани, чей лакаб, по мнению авторов, отражал устоявшийся штамп (переносить на главный город того времени общее название региона).

Авторы отмечают также длительную традицию выпуска монет в Кубо, что подтверждает статус этого города как крупного торгово-ремесленного центра.

В небольшом заключении (с. 83—84) подведены общие итоги исследования. Авторы еще раз подчеркивают, что городские центры появляются в Фергане в X—VII вв. до н. э. (Дальварзинтепа) и с того времени процесс урбанизации постоянно нарастает. Возраст города сейчас определяется в 2300—2400 лет. В IX—X вв. происходит расцвет города, он превращается в крупный культурный и экономический центр и практически в столицу долины. В связи с этим многие историки того времени указывают на Кубо как столицу Южной Ферганы.

Книга рассчитана на широкий круг читателей, всех, кто интересуется историей и культурой родины Ахмада ал-Фергани и его эпохи.

Г. И. Богомолов

И. М. МУМИНОВ
ЎЗБЕКИСТОН ТАБИИЙ-ИЛМИЙ ВА
ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАРИХИДАН ЛАВҶАЛАР

(Тошкент: Фан, 1999. 256 б.)

Яқинда «Фан» нашриёти томонидан йирик файласуф олим И. М. Муминовнинг «Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар» китобининг чоп этилиши мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Олим ўзининг ушбу ғоят қизиқарли ва далил-исботларга бой самарали илмий тадқиқотида Ўзбекистон ҳудудида узоқ давр (IX—XX) мобайнида аста-секин шакллана борган ва ривож топган табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий анъаналар ва уларнинг инсон ва жамият равнақига бўлган ижобий таъсири ҳақида эътиборли фикр-мулоҳазалар юритган. Унда Урта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда табиатшунослик, илмий-техник ва фалсафий тафаккурнинг ривожини сунъий сугоришга асосланган деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик эҳтиёжлари, минтақадаги халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, сиёсий барқарорлик, Арабистон, Юнонистон, Ҳиндистон ва бошқа минтақалар ўртасидаги илмий ва маданий алоқаларнинг юксалиши билан боғлиқ эканлиги асос қилиб олинди (қаранг: 11—12-бетлар).

Аллома Урта Осиёда табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрлар шаклланишига тўхталиб, IX—X асрларда ҳукмрон бўлган ижтимоий-сиёсий вазият, мафкура, ислом динининг мавқеи, иқтисодий ва маънавий-маданий жараёнлар, инсон, жамият,

давлатчилик каби қатор муаммоларини таҳлил этишга аزمи қарор қилади. Мамлакатимиз маданиятининг ривожланиши тарихида Форобий, Беруний, Ибн Сино каби алломаларнинг тутган ўрни тўғрисида ғурур билан ёзади.

Бизнинг фикримизча, И. М. Мўминов учун, айниқса, Мовароуннаҳрда X—XI асрларда тасаввуфнинг вужудга келиши, XIV—XV асрларда Амир Темур томонидан Ўрта Осиё саманида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тўла мустақил, марказлашган давлатнинг барпо этилиши тўғрисида очиқ-ойдин фикр-мулоҳазалар юритиш осон бўлмаганлиги табиий. Тадқиқотчи ўша давр ҳукмрон мафқураси ва унинг талаб ва қондалари билан ўчақишмаган бир ҳолда, янги ғояларни олдинга сурди. И. М. Мўминов тасаввуф асида мураккаб фалсафий ҳодиса эканлигини таъкидлаб, унинг таълимот сифатида дастлаб VIII асрда пайдо бўлганлиги, Мовароуннаҳрга эса, у Эрон орқали кириб келганлиги, бу ерда XI—XII асрларда катта маънавий таъсирга эга бўлганлиги тўғрисида ёзади. У «Юсуф Ҳамадонийнинг касби этикдўзлик эди. У Бухорони сўнгра Самарқандни кўчманчилардан мудофаа қилишда бевосита қатнашди. Ю. Ҳамадоний ўз шогирдларини меҳнат қилишга, ҳунармандчиликни эгаллашга, ҳарбий ишни ўргатишга даъват қилди... Бу таълимот ўз замонасида адабиёт ва ижтимоий тафаккурнинг ривожланишида прогрессив роль ўйнайди» (48-бет),— деб таъкидлайди.

Аҳмад Ясавийнинг «Ҳикматлар»и тўғрисида тўхталиб, олим бу асар ўзбек адабиётининг қимматбаҳо ёдгорлиғидир ва унинг муаллифи ислом динини, калом фалсафасини, тасаввуфни, деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандларнинг турмуш ва ҳаётини ва умуман, ўша даврнинг ижтимоий тартибларини яхши билган машҳур киши бўлганлигидан гувоҳлик беради. Ясавийнинг савияси кенг ва чуқур бўлгани учун у ўзбек тилида биринчи марта ана шу йирик асарни ёза олди, деб ўқтиради.

И. М. Мўминов завқ-шавқ билан Амир Темурнинг фаолияти тўғрисида ёзади. У мавжуд манбалар, жумладан, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», «Темур тузуқлари» кабиларга асосланиб, Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрнини таҳлил қилишга интилади. Темур ўз фаолиятининг биринчи даврида барча ҳаракатини Ўрта Осиёда тушқунликка ва ҳалокатга юз тутган мамлакат ўрнига бирлашган, марказлашган мустақил давлат тузишга қаратди. Мулкдор синфлар—йирик заминдорлар, савдогарлар, карвонсарой эгалари ҳамда маълум маънода умуман аҳоли талабларига пешвоз чиқиб, мамлакатнинг кўп жойларида қурилишлар қилдирди, камида юз йигирма йил давомида нисбий осойишталик ўрнатди. Бу мамлакатда иқтисод, маданият фан, адабиёт ва санъатнинг раванқида муҳим омили бўлди. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги хизмати ана шулардан иборатдир.

Олим Темурийлар даврида Самарқандда юзага келган Улуғбек астрономия мактаби эришган илмий ютуқлар ва уларнинг аҳамиятига алоҳида эътиборни жалб этади. Айнан шу даврда Улуғбек, ушбу астрономия мактабининг машҳур вакиллари Қозизода Румий, Маҳмуд Аловиддин, Али Қўшчилар билан ёнма-ён номдор ҳаким мавлоно Нафсий, файласуф Жўржоний ва Тафтазоний каби истеъодли олимлар ҳам ижод қилганлигини таъкидлайди.

Ўша даврдаги ҳукмрон мафқура Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомийни бир-биридан узоқлаштиришга уринган бўлса, аллома улар ўртасидаги маънавий яқинлик, дунёқарашдаги ўхшашлик, устоз-шогирд муносабатларини очиб беришга ҳаракат қилганлиги яққол сезилиб туради.

И. М. Мўминов кўпчилик учун ғоят мураккаб бўлган Мирза Абдулқодир Бедилнинг фалсафий идеалига батафсил тўхталиб ўтади. Унинг илмий таҳлилида Бедилнинг пантеизми, табиий-илмий ва фалсафий қарашлари, фан ва билиш тўғрисидаги ғоялари, унинг тақдир ва таносух назариясига муносабати, ижтимоий-сиёсий қарашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган дейиш мумкин. Тадқиқотчи пировард натижада машҳур шоир ва файласуф «Мирза Абдулқодир Бедилнинг ижоди инсониятнинг ўтмиш насллари барпо этган энг яхши, энг қадимги маданий ютуқларнинг қонуний меросхўри бўлган халқимизнинг адабиёт ва ижтимоий фикрлар хазинасига дур бўлиб киргандир» (136-бет), -деган ҳолисона хулосага келади.

Китобнинг «XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ва Бухорода маърифатпарварлик» деб аталган бобида Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинishi, Бухоро ва Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаёт, маърифатпарварлик ҳаракатининг авж олиши, машҳур мутафаккир Аҳмад Донишнинг илм-фанга қўшган ҳиссаси, унинг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий қарашлари ёритиб берилган. Ватанпарвар курашчи Аҳмад Донишнинг тараққийпарвар ғояларини унинг замондошлари Фурқат, Муқимий, кейинчалик эса Ҳамза, С. Айний, Сиддиқий каби қатор илғор фикр соҳиблари қабул қилиб олганлиги ва давом эттирганликлари кўрсатиб берилган.

И. М. Мўминовнинг юқорида қайд этилган китобининг чоп этилиши халқимизнинг бой ўтмиш меросини янада чуқурроқ тадқиқ этишга, мамлакатимизнинг интеллектуал мавқеини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

М. М. Хайруллаев, Р. Н. Носиров

МҮНДАРИЖА

Ўзбекистоннинг маънавий ҳаёти ва фан тарихидан

Э. В. Ртвеладзе. Ўзбекистон Аҳмад ал-Фарғоний ва Имом ал-Бухорий даврида: сиёсий тарихнинг муҳим босқичлари	3
Г. А. Пугаченкова. IX—XII асрлар мусулмон меъморчилигида Ўзбекистон халқларининг ҳиссаси	10
А. Анорбоев. Аҳмад ал-Фарғоний ва Урта Осиё маданий ҳаёти	16
А. Зоҳидий. Имом ал-Бухорий ҳадис илмида тарихий-танқидий усул асосчиси	20
Р. М. Баҳодиров. Имом ал-Бухорий ва илмлар таснифида ҳадис	23
С. Шермуҳамедов. И. Мўминовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида	29
А. Жалолов. Иброҳим Мўминов — аллома, арбоб ва инсон	32
Х. Зиёев. Амир Темурни «оқлашда» Иброҳим Мўминовнинг роли	35
Ҳ. Алиқулов. И. Мўминовнинг асарларида XIV—XV асрлардаги Мовароуннаҳр ижтимоий-фалсафий фикрини тадқиқ қилиниши	42
Р. Н. Носиров, А. Ж. Шарипов. И. М. Мўминов асарларида Берунийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари талқини	45
Б. В. Лунин. И. М. Мўминов ва «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали	49
А. Р. Муҳаммаджонов. «Вардона», «Вардонзе» топонимлари ва уларнинг этимологиясига доир	52

Хотиранома

А. Аҳтамов. Устоз ҳақида	55
А. Қ. Валиев. Жонкуяр устоз	59
Х. А. Раҳмонқулов. Фамхўр муаллим	62

Тарихшунослик

Г. П. Матвиевская. Илмий-тарихий адабиётларда Аҳмад ал-Фарғоний	63
---	----

Манбашунослик

Б. А. Абдухалимов. Ал-Фарғонийнинг «Астрономия элементлари» асарининг Бодлеан қўлёзма нусхаси ҳақида	67
Қ. Муниров. Имом ал-Бухорийнинг «Жомий ас-саҳиҳ» асарининг қўлёзма нусхалари	69

Ахборот

Д. Б. Бобожонова. Имом ал-Бухорий ҳамда Аҳмад ал-Фарғоний юбилейларига бағишланган халқаро конференциялар	70
Ф. Низомов, Ш. Б. Саматов. Академик Иброҳим Мўминов хотираси	74

Янги китоблар

А. С. Саъдуллаев. Асрлар қазирдан нур: Имом ал-Бухорий	76
Г. И. Богомоллов. Т. Ш. Шарипов, Б. Х. Матбобоев, Г. П. Иванов. Аҳмад ал-Фарғоний даврида Қува шаҳри	76
М. М. Хайруллаев, Р. Н. Носиров. И. М. Мўминов. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар	78

СОДЕРЖАНИЕ

Из истории науки и духовной жизни Узбекистана

Э. В. Ртвеладзе. Узбекистан в эпоху Ахмада ал-Фергани и Имама ал-Бухари: веки политической истории	3
Г. А. Пугаченкова. Вклад городов Узбекистана в архитектуру мусульманского мира IX—XII веков	10
Л. Анарбаев. Ахмад ал-Фергани и культурная жизнь Средней Азии	16
А. Захиди. Имам ал-Бухари — основатель историко-критического метода в науке о хадисах	20
Р. М. Бахадиров. Имам ал-Бухари и место хадисов в классификации наук	23
С. Шермухамедов. О жизни и деятельности И. Муминова	29
А. Джалалов. Ибрагим Муминисв как ученый-энциклопедист, государственный деятель и Личность	32
Х. Зияев. Роль Ибрагима Муминова в «реабилитации» Амира Темура	36
Х. Аликулов. Исследование общественно-философской мысли Мавэранныхра XIV—XV веков в трудах И. Муминова	42
Р. Н. Насыров, А. Дж. Шарипов. Трактовки естественнонаучных и философских взглядов Беруни в трудах И. М. Муминова	45
Б. В. Лунии. И. М. Муминов и журнал «Общественные науки в Узбекистане»	49
А. Р. Мухамеджанов. О топонимах «Вардона», «Вардонзе» и их этимологии	52

Воспоминания

А. Ахтамов. Слово об Учителе	55
А. К. Валиев. Усердный наставник	59
Х. А. Рахманкулов. Заботливый учитель	62

Историография

Г. П. Матвиевская. Ахмад ал-Фергани в историко-научной литературе	63
---	----

Источниковедение

Б. А. Абдухалимов. О Бодлеянской рукописи сочинения ал-Фергани «Элементы астрономии»	67
Ж. Муниров. Варианты рукописей произведения Имама ал-Бухари «Джами ас-сахих»	69

Хроника

Д. Б. Бабаджанова. Международные конференции, посвященные юбилеям Имама ал-Бухари и Ахмада ал-Фергани	70
Ф. Низамов, Ю. Б. Саматов. Памяти академика Ибрагима Муминова	74

Новые книги

А. С. Сагдуллаев. Свет из глубины веков: Имам ал-Бухари	76
Г. И. Богомолов. Т. Ш. Ширинов, Б. Х. Матбабиев, Г. П. Иванов. Город Кумо во времена Ахмада ал-Фергани	76
М. М. Хайруллаев, Р. Н. Насыров. И. М. Муминов. Страницы из истории естественнонаучной и общественно-философской мысли Узбекистана	78

НАШИ АВТОРЫ

- Пугаченкова Г. А.— академик АН РУз.
Ртвеладзе Э. В.— академик АН РУз; зав. отделом НИИ искусствоведения Академии художеств РУз.
Валиев А. К.— член-корреспондент АН РУз, ведущий научный сотрудник Института философии и права им. И. М. Муминова АН РУз.
Матвеевская Г. П.— член-корреспондент АН РУз.
Мухамеджанов А. Р.— член-корреспондент АН РУз.
Рахманкулов Х. А.— член-корреспондент АН РУз, главный научный сотрудник Института философии и права им. И. М. Муминова АН РУз.
Шермухамедов С.— член-корреспондент АН РУз, зав. кафедрой ТашГУ им. М. Улугбека.
Аликулов Х.— доктор философских наук, зав. отделом Института философии и права им. И. М. Муминова АН РУз.
Ахтамов А.— доктор философских наук, профессор СамМИ.
Баходиров Р. М.— доктор исторических наук.
Джалалов А.— доктор философских наук, директор Института философии и права им. И. М. Муминова АН РУз.
Зияев Х. З.— доктор исторических наук, ведущий научный сотрудник Института истории АН РУз.
Луниин Б. В.— доктор исторических наук, главный научный сотрудник Института истории АН РУз.
Насыров Р. Н.— доктор философских наук, ведущий научный сотрудник Института философии и права им. И. М. Муминова АН РУз.
Абдухалимов Б. А.— кандидат исторических наук, ст. научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз.
Анарбаев А.— кандидат исторических наук, зам. директора Института археологии АН РУз.
Захиди А.— кандидат философских наук, ст. научный сотрудник Института философии им. И. М. Муминова АН РУз.
Муниров К.— кандидат исторических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз.
Шарипов А. Дж.— кандидат философских наук, ст. научный сотрудник Института философии и права им. И. М. Муминова АН РУз.

В № 10—11 журнала за 1998 г. на с. 55, строка 40 сверху, следует читать:

...ностью три дукана в Самарканде на базаре Хиннафурушон, с тремя кладовыми и (далее — по тексту).

ИНДЕКС 885